

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МИНТАҚАВИЙ МАРКАЗИ**

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Миозо Улуғбек номидаги ЎзМУ ҳузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш Минтақавий маркази директори _____Ф.Эсанбобоев

“ ____ ” _____ 2015 йил

**“Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги”
МОДУЛИ БЎЙИЧА**

ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ

Тошкент – 2015

Модулнинг ишчи дастури Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг 201 йил _____ -сонли баённомаси билан маъқулланган ўқув дастури асосида ишлаб чиқилди.

Тузувчилар:

ЎМКХТТКМОҚТ Институтини профессори, г.ф.д. Нигматов А.Н.;

Тақризчилар: *Мирзо Улуғбек номидаги ЎЗМУ профессори, к.ф.д. Кулматов Р.А.*

ЎМКХТТКМО ва УҚТ Институтини “Амалий касбий таълим” кафедраси мудири, п.ф.н., доцент Абдуназарова Н.Ф.

Эксперт: *Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика университети Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги кафедраси доценти, б.ф.н. Пирахунова Ф.Н.*

Ишчи дастур

Кўпгина ривожланган мамлакатларда бўлгани каби Ўзбекистон Республикасида ҳам Вазирлар Маҳкамасининг “Аҳолини зилзилалар оқибатида юзага келган фавқулодда вазиятларда (табiiй ва техноген тусдаги) ҳаракат қилишга тайёрлаш тўғрисида”ги 2011 йил 19 июлдаги 208-сонли қарорига илова қилинган комплекс дастурининг 1,2,4,11 ва 12-бандларига мувофиқ равишда “Ҳаёт хавфсизлиги” ўқув курсини миллий таълим тизимининг деярли барча босқичларига тадбиқ этиш, тегишли ўқув, ўқув-методик адабиётларни чоп этиш масаласи кўйилган эди. Чунки XXI асрга келиб табиий, техноген ёки аралаш турдаги фавқулодда вазиятларнинг кучайиши, Ер планетасига антропоген босимнинг кучайиши натижасида глобал миқёсда атроф табиий муҳит ҳолати ва экологик вазиятнинг кескинлашуви, иқлимнинг кескин ўзгариши, чўлланиш жараёнларининг кучайиши, биологик хилма-хилликнинг йўқолиши, иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий зиддиятлар ўчоғининг турли минтақаларда пайдо бўлиши инсонларни беҳатар яшаш даражасини таъминлашни энг долзарб муаммолар туркумига киритди.

Мамлакатимиз аҳолисининг деярли 60 фоизини қамраб олган ёшларнинг кўпчилиги таълим соҳасида фаолият юритадилар. Шунинг учун ҳам ўз таркибига ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг барча жабҳалари – фуқаролар муҳофазаси, фавқулодда вазиятлар, экологик хавфсизлик, меҳнат муҳофазаси, маънавий-маърифий хавфсизлик, диний ва террористик хавфсизлик, озиқ-овқат хавфсизлиги, саломатлик хавфсизлиги кабиларни қамраб олувчи таълим ва тарбияни аҳолининг, айниқса ўқитувчи ва ўқувчи-ёшларнинг билим ва маданиятини кўтариш даражасига олиб чиқиш Ўзбекистон учун бирламчи аҳамият касб этмоқда.

МОДУЛНИНГ НОМИ ВА МАҚСАДИ

Модулнинг номи. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги.

Модулнинг мақсади. Тингловчиларнинг ташкилий-бошқарув, ижтимоий ва касбий-педагогик фаолиятини замон талабига мослаштириш учун уларда ҳаёт фаолияти хавфсизлигига оид билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш.

Кутилаётган натижалар: Тингловчилар “Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги” модулини ўзлаштириш жараёнида қуйидаги билим, кўникма ва малакаларга эга бўладилар:

<i>Билим</i>	<i>Кўникма</i>	<i>Малака</i>
Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг замонавий илмий-назарий асосларини билиши	Ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлаш кўникмаларига эга бўлиши	Олган билим ва кўникмаларни жамоага, жумладан ўқувчиларга етказиш, уни ташвиқот ва тарғибот қилиш ҳамда амалда қўллаш малакасини эгаллаши

Маъруза-тренинг машғулоти мавзулари

№	Мавзу	Назарий	Амалий	Кўчма маш	Муста қил
1	Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги: тушунчаси, мазмуни ва моҳияти	1	1		
2	Фавқулодда вазиятларда ҳаёт фаолияти хавфсизлиги	1	1		
	Жами – 4 соат	2	2		

3. МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

3.1. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги: тушунчаси, мазмуни ва моҳияти

Калит сўзлар: фаолият, инсон, жамият, Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги, хавфсизлик, таваккалчилик, хавф, микротехнотизимлар, техносфера, макротехнотизим, мезотехнотизим, минитехнотизим, классификация, барқарор ривожланиш

Ҳозирги кунда дунё ҳамжамияти олдида турган муҳим масалалардан бири турли миқёсда инсон хавфсизлиги, хусусан унинг бир элементи бўлмиш ҲФХни таъминлашдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов «*Энг мураккаб саволлардан бири шуки, биздаги барқарорлик ва хавфсизлик йўлида таҳдид бўлиб турган муаммоларни англаб етаяпмизми? Хавфсизликка таҳдид солиб турган муаммоларга нимани қарши қўя оламиз?... биз истиқомат қилаётган минтақада жўзрофий-сиёсий мувозанатни сақланишига нималар кафолат бўла олади? Хавфсизликни қандай сақлаб қолиш мумкин?*»¹, деган саволлар барча ўзбек халқининг долзарб муаммолари сифатида кун тартибига қўйилган.

ҲФХни турли йўналишдаги олимлар ўз қарашлари ва мутахассисликлари доирасида турлича таҳлил қилмоқдалар. Жумладан, ғарб тадқиқотчилари давлат экологик хавфсизлиги (Gleick,1994), қишлоқ хўжалик хавфсизлиги (Holst,1989), ерлардан фойдаланиш ва экологик хавфсизлик (Homer-Dixon et al.,1993), табиатни муҳофаза қилиш хавфсизлиги (Mische,1998), сув хавфсизлиги (Rosegrant and Ringler,1997), ресурслар хавфсизлиги (Soffer,2000) ва шу каби йўналишларда илмий изланишлар олиб борганлар. Рус олимлари экологик хавфсизлик ва экологик саломатлик (Мамин, 2003), табиатни муҳофаза қилиш ва экологик хавфсизлик (Данилов-Данильян,1997), инсон ҳаёт фаолияти хавфсизлиги (Кривошеин ва б., 2000), автотранспортда хавфсизлик (Мишин,1997), хавфсизликни бошқариш механизми ва моделлари (Бурков, Грацианский ва б., 2001), шаҳарларда хавфсизлик (Горбатовский, Г.Рыбальский, 1996) ва шу каби йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борганлар.

Адабиётларда хавф, таваккалчилик (риск), хавфсизлик сўзлари инсон фаолиятининг турли жабҳалари учун қўлланилади. Масалан, **хавф** – ички ёки ташқи омиллар таъсирида объект ёки субъектнинг динамикаси, ривожланиш жараёни ва хусусиятларига зарар етказувчи фаолият ёки ҳолат (Реймерс, 1990; Яблоков,1994; Сергунин,2003). **Таваккалчилик** – олдиндан режалаштирилмаган, бугун ёки эртага тўсатдан содир бўлиши мумкин

¹ Каримов И. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.: «Ўзбекистон», 1997. 4-б.

бўлган хавф (Kates, 1971; Альгин, 1989; Head, 1991; Медеу, 2002; Eldon, Bradley 2004).

Хавф ёки таваккалчиликни режалаштирилган тарзда олдини олиш ёки режалаштирилмаган ҳолда эса тартибга тушириш мумкин. Бу орқали хавфсизлик таъминланади. Инсонларнинг эса ноқулай муҳитга мослашиши – **адаптация** (Ўзбекистон Миллий энциклопедияси.- Т.: “ЎЗМЭ нашриёти” 1 жилд. 2000; Реймерс, 1990; Charles, 1978) деб аталади ва бу ҳолатда ҳам хавфсизлик таъминланиши мумкин.

Хавфсизлик, - Л.Ю.Хотунцевнинг (2002) фикрича, - *алоҳида шахс, жамият ва табиат объектларини кучли даражадаги хавф-хатардан ҳимояланганлик даражаси бўлиб, унинг асосий мезони келажакда ёки ҳозирда содир бўлувчи табиий ёки ижтимоий хатардан келиб чиқувчи қўрқув ҳиссидир.*

Бу тушунчага К.Я.Кондратьев (1993) ва Т.Арошидзелар (1994), хавфсизлик кенг маънода ҳаёт, саломатлик, инсониятнинг асосий ҳуқуқлари, ҳаётининг манфаатларини таъминловчи манбалар, ижтимоий тартибдаги ресурслар билан боғлиқ хавфларга чидамлик даражасидир, деб таъриф берадилар. В.Н.Бурков, А.В.Шепкинларнинг (2003) фикрича **хавфсизлик** – замонавий, ўзаро тартибли фан йўналиши бўлиб, *инсоният, жамият, давлатни ҳаётининг зарур манфаатларини техноген ва табиий фавқулодда ҳолатлардан ҳимояланганлик даражаси.*

Бизнинг фикримизча, **хавфсизлик** кенг маъноли тушунча бўлиб, биринчидан, *у нафақат шахс, тўғрироғи инсон* (шахс юридик категорияга тегишли), *жамият ёки давлат, балки табиат ва унинг компонентлари нуқтаи назаридан ҳам қаралиши керак* (Нигматов, Матчанов, 2005). Чунки у нафақат экологик нуқтаи назардан нафақат инсонларга, балки барча тирик организмларнинг ҳомояланганлик даражасидир. Ваҳоланки, **хавфсизлик тушунчаси «бехатар яшаш даражаси»**ни ифода этар экан, у маълум бир маънода ҳар қандай организмлар, яъни табиат биологик компонентларининг ҳам бехатар яшаш нуқтаи назаридан қаралиши лозим. Негаки, биологик хилма-хиллик инсон хавфсизлигининг асосий элементи ва уни таъминлаш ҳозирги кунда бевосита ёки билвосита тарзда инсониятга боғлиқ бўлиб қолди.

Табиат компонентларининг ўзаро алоқаси натижасида юзага келувчи ҳар қандай жараён ёки ҳодиса табиий жараён ҳисобланиб, табиий танланиш босқичида туради. Аммо, ундаги айрим жараёнлар, масалан, чигирткаларнинг сон жиҳатдан кўпайиб кетиши ва уларнинг ўсимлик дунёси билан бўладиган муносабатлари, албатта, инсон хавфсизлигига таъсир этади. Бу илгари (инсониятнинг табиатга таъсири кам ёки деярли бўлмаган даврларда) ҳам учраб турган табиий жараён ҳисобланиб, озуқа майдонини инсоният томонидан қисқариши эвазига тезлашди. Табиатнинг эса инсондан хавфлироқ унсури йўқ.

Иккинчидан, *хавфсизлик* нафақат *техноген ёки табиий фавқулотда ҳолатлар ва жараёнлардан организмларнинг сақланганлик даражаси*, балки у кўзга кўринмас ҳамда билвосита таъсир этувчи ҳодиса ва жараёнлар орқали секин аста юзага келиши ҳам мумкин. Масалан, иссиқхона самараси туфайли иқлимнинг аста-секинлик билан исиб бориши ва унинг натижасида чўлланиш жараёнининг юзага келиши. Оқибатда чўлланган ерларда ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг тур ва сон жиҳатдан камаяди, яъни биологик хилма-хиллик деградацияланади ҳамда инсонлар учун ноқулай экологик атроф табиий муҳит шаклланади. Албатта, бундай хавфсизлик экологик характердаги хавфсизликка киради. Лекин у ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий-маърифий ва шу каби характерларга эга ҳам бўлиши мумкин. Хавфсизлик характерига қараб уларни кўшимча, тўлдирувчи ва аниқловчи сўз ёки сўз бирикмалари билан ишлатилиши мақсадга мувофиқдир.

Учинчидан, *хавфсизликни таъминлашда таваккалчиликни эътиборга олиши, унинг даражасини аниқлаш ва бошқариши* ҳам муҳим аҳамият касб этади. Чунки, ҳар бир инсон фаолияти, у қандай юқори технологик ва хавфсиз даражада амалга оширилмасин, муайян бир таваккалчилик даражасига эгадир. Масалан, сув омборининг қурилиши, завод ёки фабрикаларнинг ишга туширилиши, табиатдаги аномал ҳолатлар ҳам организмлар ва уларнинг муҳитига доимо таҳлика солиб туради.

Ушбу уччала ҳолатларни инобатга олган тарзда биз **хавфсизликка** - *организмлар (жумладан, инсон), уларнинг турли шакл ва кўринишдаги жамоасининг атроф муҳитини турли кўламда эволюцион ёкинги ноэволюцион тарзда содир бўлувчи ва таваккалчиликни инобатга олувчи хавф-хатардан ҳимояланганлик даражаси*, деб таъриф берамиз.

Юқоридаги фикрлардан кўришиб турибдики хавфсизлик кенг маънодаги тушунча бўлиб, у нафақат инсон ёки жамият учун, балки биотик ва абиотик табиат компонентларининг хавфсизлиги, яъни табиий географик нуқтаи назаридан ҳам қаралиши зарур. Одатда тадқиқотчилар (Рыбальский, Малярова, 1992; Горбатовский, 1995; Rosegrant, Ringler, 1997; Gleick, 1994) хавфсизликни инсон ва жамият нуқтаи назаридан тушунтиришга ҳаракат қиладилар ва уни таснифлаб берадилар. Масалан, А.А.Сергунин (2003), В.С.Поликарпов (2001), А.С. Макарычева(2001)лар хавфизликнинг вужудга келиши кўра – сиёсий, иқтисодий, техникавий, ҳарбий, экологик, информацион (ахборот), социал, ҳуқуқий, маданий, интеллектуал, демографик, генетик, психологик ва ҳ.к турларга, таъминлаш кўламига кўра маҳаллий, миллий, регионал ва глобал хавфсизликларга ажратганлар.

Миллий хавфсизлик – *давлатнинг кенг миллий қизиқишларини ташқи иқтисодий ва ҳарбий қудрати, халқнинг интеллектуал ҳамда руҳий қийматига бўлган хавфни бартараф қилаш билан боғлиқ сиёсий, социал, иқтисодий, экологик хавфлардан ҳимояланганлик ҳолати*, деб таърифлайди О. Funke (1994) ва О.Ю. Романова (2000)лар.

Миллий хавфсизлик тушунчаси муайян миллат манфаатлари нуктаи назаридан қаралмасдан давлат хавфсизлиги тушунчаси билан уйғунликда талқин қилиниши мақсадга мувофиқдир. Чунки, кўп миллатли мамлакатларда миллий хавфсизлик тушунчасининг тор маънода ишлатилиши бошқа миллат вакиллари орасида ғоявий бўшлиқни келтириб чиқариши мумкин. Республикамизда бугунги кунда 130 дан ортиқ миллат ва эълат вакиллари истиқомат қиладилар, улар мустақиллигимиз эгаси ва давлатнинг асосий таянчидир. Шундан келиб чиққан ҳолда миллий хавфсизлик давлат хавфсизлиги билан синоним сифатида қаралмоқда (Рахманов, 2005).

Табиийки, давлатнинг миллий қизиқишлари ошган сари унга бўлган хавф турлари ҳам ортиб боради. Бу эса миллий хавфсизликни таркибий тузилмаларини қараб чиқишни талаб қилади (Поликарпов, 2001). Республикамиз Президенти И.А.Каримов (1997) минтақа ва давлатимиздаги реал шароитни ҳисобга олган ҳолда миллий хавфсизликка таҳдид солувчи куйидаги омилларни кўрсатиб ўтган.

Мазкур модул ҳаёт фаолияти хавфсизлигига бағишланганлиги учун ҳам биз “ҳаёт” нима ўзи деган саволга жавоб беришга ҳаркат қиламиз. Фалсафада “Ҳаёт – одам яшаши ва намоён бўлишининг энг мураккаб шакллари билан бири”¹. У инсон руҳияти, онги, тафаккури билан узвий боғланган. Инсонларнинг кадр қиммати айнан шу ҳаётни қандай ўтказганлиги билан ўлчанади. Инсонлар ҳаёти нафақат жамиятга, балки табиатга ҳам боғлиқдир.

Аммо, ҳаёт тушунчаси нафақат ижтимоий, балки табиий характерга ҳам эга. Зеро ҳаётни нафақат инсон, балки барча мавжудотлар ҳам кечирадилар. Улар ҳам ўз ҳаётларида муайян фаолият олиб борадилар. Шундай қилиб *ҳаёт – бу барча тирик мавжудотларнинг яшаши ва намоён бўлиши*. Мазкур модул тизимида биз “Инсонлар ҳаётининг фаолияти”, яъни ижтимоий характерга эга бўлган жараён, ҳолат, воқелик ҳақида ибора, деб юритамиз.

Инсон – Ер қуррагининг жонли қобили биосфера, тўғривоғи Ер юзасида яшовчи ва тирик организмлар туркумига кирувчи, лекин мураккаб ҳаётининг фаолият юритувчи индивиддир. У онгининг юқорилиги, нутқининг ривожланганлиги, ижодий фаоллиги, такомиллашган меҳнат қуролларини ярата олиши, ахлоқий, маънавий ҳамда руҳий ўз-ўзини англай олиши билан бошқа тирик организмлардан тубдан ажралиб туради. Уни бошқа инсонлар билан маълум бир ҳудудда тарихан қарор топган гуруҳи ёки уюшмаси – жамиятдир. Ҳудди ана шу инсонлар жамоаси – жамият табиат билан жуда узвий муносабатдадир.

Инсоннинг яқка ўзи унча катта куч-қудратга эга эмас. Аммо унинг онгли равишда бирон бир мақсадни кўзлаб, такомиллаштирилган меҳнат

¹ Ҳаёт .Фалсафий луғат.- Т.:ЎМФЖН, 2004.- 487-б.

куролларидан фойдаланган тарзда бошқа инсонлар билан уюшиб жамоа ҳосил қилиши кўп нарсани белгилаб беради. Агарда жамият ўз кундалик эҳтиёжини фақатгина табиат қондиришни мақсад қилиб олса, атроф табиатда жуда сезиларли даражада салбий ўзгаришлар содир этилиши ҳеч гап эмас. Аксинча, ушбу жамият кучи табиатни асраш, яхшилаш ва ундан оқилона (илмий асосланган тарзда) фойдаланишга қаратилса, у ҳолда атроф табиий муҳитда ижобий ўзгаришлар юзага келади.

Инсонларнинг, тўғрироғи *фуқароларнинг, муайян маъмурий ҳудудда уюшган қисми* – **давлат** орқали салбий ёки ижобий жараёнларга ҳуқуқ орқали таъсир этиши табиатни, хусусан атроф-муҳитни кескин ўзгартириб юбориши муқаррар. Лекин *атроф табиий муҳитни маълум бир мамлакатда салбий ёинки ижобий ўзгариши ҳозирги глобаллашув жараёнида, албатта, ўзга давлат ёки давлатларга, яъни ҳамжамиятга* бевосита боғлиқлиги исбот талаб этмайди. Буни Украинадаги Чернобил АЭС ёки Япониядаги Фукусимо АЭС фалокатининг глобал миқёсдаги атроф табиатга бўлган салбий таъсири ёки Амазонка дарё ҳавзасидаги доимий яшил тропик ўрмонзорларининг Ер атмосферасига бўлган ижобий таъсири орқали кўриш мумкин. Хуллас, инсон, жамият, давлат ва ҳамжамият ўзаро узвий боғланган, бири иккинчисидан, иккинчиси учинчисидан, учинчиси тўртинчисидан ёки аксинча келиб чиқадиган кишилиқ жамиятининг турли шакллари дир. Улар доимо атроф табиий муҳити билан узвий боғланган.

Инсон яшар экан, албатта турли шакл ва кўринишда ҳаракат қилади. Ушбу ҳаракатни **фаолият** деб юритилади. Инсон фаолияти бошқа организмларга нисбатан жуда мураккаблиги, бир пайтнинг ўзида тартибга солиш имконияти мавжудлиги билан ажралиб туради. Мураккакблиги шундаки у: сиёсий, иқтисодий, ижтимоий-социал, маърифий-маънавий, ва хаттоки экологик характердаги фаолият турлари билан бошқа организмлардан тубдан ажаралиб туради. Тартибга солиш эса инсонлар ўртасида юзага келадиган мураккаб турдаги ижтимоий муносабатларни улар ўз билими, кўникмаси ва малакаси, яъни онги ва маданияти билан турли даражада бошқариб турадилар. Айнан турли даражада, чунки тартибга солувчи кишиларнинг бошқарув онги ва маданияти турлича дир. У нафақат маконда, балки замонда ҳам турли мазмун ва моҳиятга эга дир. Ўзбекистон ва унинг вилоятлари ҳам бундан истесно эмас, албатта.

Кўпгина адабиётларда **ҳаёт фаолияти хавфсизлиги** – *инсонни ҳар қандай муҳитдаги фаолиятида унинг хавфсизлиги ва соғлигини таъминловчи, хавфли ва зарарли омиллардан ҳимоя қилувчи амалиёт ва назарияни қамраб олган илмий билимлар мажмуидир*¹, деб юритилади. Ушбу тушунчада, бизнинг фикримизча, куйидаги мулоҳазага муҳтож жойлари бор:

¹ БухДУ. ҲФХ ўқув-методик мажмуа, 2012.

Биринчидан, фанда ёзилмаган, лекин умумэтироф этилган бир қоида бор. Ҳар бир атама, ибора, термин ёки сўз бирикмаларига тушунча берилаётганда унда ишлатилган сўз тушунчани ёритилаётганда ишлатилиши мумкин эмас. Биз “ҳаёт” сўзига тушунча берар эканмиз унда яна “ҳаёт” сўзини ишлатиш мантиқан тўғри эмас. Юқорида келтириб ўтилган БухДУ педагоглари томонидан яратилган ўқув-методик мажмуада ҳаёт фаолияти хавфсизлиги тушунчасида фаолият ва хавфсизлик сўзлари қайтарилган.

Иккинчидан, хавфсизликга фақатгина саломатлик нуқтаи назардан қаралган. Зеро хавфсизлик инсон фаолиятининг барча жиҳатларини қамраб олади.

Учинчидан, ҳар қандай муҳит сўзлар бирикмасига “яшаш” деган сўзни қўшиш лозим. Зеро инсон ҳаёти унинг яшаш муҳити билан чамбарчас боғлиқ. Қуйида биз бунга иқрор бўламиз.

Тўртинчидан, тушунчада фан, таълим ва амалиёт сўзларининг ўрнига “амалиёт ва назария” сўзлари ишлатилган. Ваҳоланки фан нафақат назарий фундаментал асосдан, балки амалий ва инновацион ҳаркатордаги фаолиятдан ҳам иборат. ҲФХ ўқув курси деярли барча таълим муассасаларида алоҳида ўқув курси сифатида ўқитилади.

Бешинчидан, ҲФХ нафақат илмий билимлар мажмуи, балки малка ва кўникмаларни тадқиқ қилувчи фан, таълим ва уларни амалда қўлловчи хўжалик фаолияти ҳамдир.

Ушбу фикрларни умумлаштирган тарзда ҳаёт фаолияти хавфсизлиги сўзлар бирикмасига қуйидагича таръриф бериш мумкин.

Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги – турли макон ва миқёсда инсонларнинг барқарор ривожланган яшаш (меҳнат қилиш) тарзини таъминлашни тадқиқ қилувчи фан соҳаси, унга оид билим, кўникма ва малакаларни берувчи таълим йўналиши ҳамда ушбу жараёнларни оптималлаштирувчи амалиёт тармоғи.

ҲФХ фан тармоғи бўлгани учун ҳам у ижтимоий категорияга, яъни инсонларга хос муносабат шаклига эга. Шунинг учун ҳам унинг мақсадида “инсон” деган сўз бирламчи аҳамият касб этади. ***Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг мақсади*** – турли макон ва миқёсда инсонларнинг барқарор ривожланган ҳаёт тарзига (меҳнат қилишига) эришиши учун тегишли тадқиқотларни олиб бориши, таълим-тарбияни йўлга қўйиши ва уларни амалда қўллаш чораларини тадбиқ этиши.

Дунё ҳамжамиятининг янги барқарор ривожланиш концепцияси илк бор 1987 йил БМТнинг Бутунжаҳон атроф муҳит ва ривожланиш бўйича Комиссияси томонидан ишлаб чиқилди. Мазкур Комиссия ўзининг Гро Харлем Брундтланд маърузаси номини олган «Бизнинг умумий келажагимиз» маърузасида, ҳозирги авлод одамларни ҳаётий эҳтиёжлар кондирилишини келаси авлоднинг муносиб ҳаётга бўлган ҳуқуқини ҳисобга

олиб, дунё ҳамжамиятининг барқарор ривожланиш концепциясини моделини яратди.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликларининг 2011 йил 19 июлда 305-сонли “Ўзбекистон Республикасининг барқарор тараққиёт мақсадлари учун таълим (БТТ) концепцияси тўғрисида” қўшма қарори қабул қилинди. Ушбу қарор БМТ Бош Ассамблеясининг “2005-2014 йилларда Барқарор ривожланиш таълими ўн йиллиги тўғрисидаги” резолюцияси ва БМТ Европа Иқтисодий комиссиясининг БРТ бўйича Стратегияси асосида ишлаб чиқилди.

Хуллас, барқарор ривожланиш - келажак авлодни «рискига ҳуруж қилмаган» тарзда ҳозирги замон кишисини экологик хавфсиз, иқтисодий таъминланган, ижтимоий муҳофазаланган ва барқарор бирлашган муносиб ҳаёт тарзини таъминловчи жараён.

ҲФХ ҳам айнан инсониятни экологик хавфсиз, иқтисодий таъминланган, ижтимоий муҳофазаланган ва барқарор бирлашган муносиб ҳаёт тарзини таъминловчи жараённинг бир бўлагидир. Экологик хавфсиз яшаш муҳити – организмлар, жумладан инсонларнинг муайян экотизимларда нормал ҳолатда кўпайиши, ўсиши ва ривожланиши учун тоза, соғлом ва қулай атроф табиий муҳит ҳолати демакдир.

Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг мақсадига эришмоқ учун қуйидаги **ижтимоий тусдаги вазифаларни** бажариш керак:

- ҲФХни умумэтироф этилган илмий-назарий асосларини ишлаб чиқиш;
- мазкур йўналишдаги узлуксиз анъанавий ва ноанъанавий таълим тизимини яратиш;
- маҳаллий, миллий ва халқаро миқёсда ҲФХнинг ҳуқуқий меъёрларини ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва ишлаш механизминини яратиш;
- истиқболга йўналтирилган режа ва дастурларни мамлакат, минтақа ва глобал миқёсда ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва амалга тадбиқ этиш;
- муносиб ҳаётфаолиятини таъминлашга қодир маънавиятли шахсни тарбиялаш;
- давлат ва жамият ҲФХ бошқарув талабларини амалга кенг жорий қилиш;
- ҳаёт фаолияти хавфсизлигида фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини йўлга қўйиш, нодавлат ташкилотлари ва жамоат уюшмалари назоратини ўрнатиш, уларни тавсия кучидаги маълумотларидан мазкур йўналишдаги бошқарувда кенг фойдаланиш механизминини ишлаб чиқиш;
- давлат, давлатлар ва халқаро ҳамжамият томонидан ҲФХ назоратини ташкил этиш ва уларни ишлаш механизминини яратиш;

- регионал ва глобал миқёсдаги фавкулудда вазиятлардаги куруклик худудлари ва сув акваторияларини инсонларнинг биргаликдаги ҳаракатлари орқали ҳал этиш ва ҳ.к.

Бизнинг ҳолатда амалдаги кадрлар, хусусан раҳбар ходимларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш ҳам ҲФХ мақсадини рўйобга чиқапришда энг муҳим вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади. Зеро тез ўзгарувчан замон талаблари мазкур муаммонинг ўз-ўзидан ечимини топади, дейиш мумкин эмас.

Тор маънода *Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ўқув курсини ўқитишдан мақсад* – барқарор ривожланиш учун инсон фаолияти хавфсизлигини таъминлаш. Кенг маънода ушбу *мақсад* – маҳаллий ва миллий миқёсда бир маромда барқарор ривожланишини таъминлаш учун ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида инсон фаолияти хавфсизлиги бўйича раҳбар ходимларга билим, кўникма ва малакаларни бериш.

Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ўқув курсининг мақсадига эришмоқ куйидаги *вазифаларни* бажариш орқали амалга оширилади:

- миллий миқёсда ҲФХ учун таълим концепциясини яратиш орқали давлатнинг тактик ва стратегик режаларини ишлаб чиқиш;

- тизимлашган, яъни оддийдан мураккабга, регионаллик ва ихтисосликка томон йўналтирилган ҳамда иерархик поғонага жойлаштирилган ДТС, ўқув режалари ва таълим дастурларини яратиш;

- таълим тизимининг барча поғоналарида педагогик тажриба-синовларни олиб бориш;

- мазкур соҳадаги фундаментал, амалий ва инновацион илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш;

- махсус жиҳозланган полигон, хона, аудитория ва лабораторияларни ташкил этиш ва унда ўқув машғулотларини олиб бориш;

- шу соҳага комплекс ёндаша оладиган кадрлар тайёрлаш, мавжудларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини яратиш ва ҳ.к.

Юқорида санаб ўтилган ёки реал шароитдан келиб чиқадиган вазифаларни бажариш инсонларнинг ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлашда хизмат қилса, ажаб эмас.

Ҳар бир фан соҳаси ёки фанлар тизими мустақил равишда эътироф этилиши ёки амалда сақланиб қолиниши учун унинг ўзига хос изланиш ёки *тадқиқот объекти (нима), предмети (қайси томони ёки қандай жиҳатлари)*, методологик ва методик асослари, принциплари, олинган натижаларни тадбиқ этиш жойлари, таълим бериш ва тарбиялаш хусусияларининг бўлиши талаб этилади. Акс ҳолда ушбу янги фан соҳаси ёки фанлар тизими ҳаётда ўз ўрнини топа олмайди, эскилари эса аста секин кишилиқ жамияти эътиборидан четда четда қолиб ёки «омикталашиб» кетади. Қочонлардир ўта долзарб бўлган Методифизика ва Геология фанлари бунга мисол бўла олади.

ҲФХнинг ягона ўрганиш объекти борми? Ҳа бор! Юқорида ҲФХ тушунчасида номи тилга олинган макон ва миқёс, бизнинг ҳолатда эса **инсонларнинг фаолият юритиш ёки ишлаб чиқариш (меҳнат қилиш) муҳити – ҲФХнинг объекти** бўлиб ҳисобланилади. Агарда “Экология” фани барча тирик организмларнинг яшаш муҳити, жойи, макони, яъни экотизимлар ҳақидаги таълимот экан, ҲФХ фани фақатгина организмлар намоёндаси бўлган инсонлар фаолият юритиш муҳити - **техносферани**¹ олади, холос. Шундай экан, экологик ва биологик тадқиқотлардан фарқли равишда, ҲФХда инсонларнинг ишлаб чиқариши билан боғлиқ бўлган фаолият муҳити – техносфера бирламчи ўрганиш объектидир. Улар ҳам макон ва ҳам замонда Ер планетасининг инсон фаолият юритадиган муҳитида учрайди ва ҳар бир ҳолатда турлича таснифланади.

Кўпгина мутахассислар (БухДУ,2012) **техносферани ўтмишда биосферага тааллуқли бўлган кейинчалик инсонларнинг ўзининг моддий ва ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжларини янада яхшилаш мақсадида тўғридан тўғри ёки сиртдан техник воситалар билан таъсир этган ҳудуддир**, дейдилар. Лекин, мазкур тушунчага эътирозлар бор. Биринчидан, биосфера инсон таъсирида ўзгариши мумкин, лекин унга тааллуқлигидан чиқиб кетмайди. Иккинчидан, моддий эҳтиёжнинг ўзи ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжларининг бир кўриниши. Эҳтиёжлар яхшиланмайди, балки қониқтирилади. Учинчидан, тарихан техникани ишласмасдан туриб ҳам эҳтиёжлар қониқтирилганку. Тўртинчидан, “сфера” ҳудуд эмас балки қобикдир, яъни Ер планетасининг муайян бир қобиғи ва ҳ.к. Умуман олганда, ҲФХ объектига берилган тушунча илмий мунозарага ва махсус назарий тадқиқотларга муҳтож.

Техносферанинг луғавий маънасида келиб чиққан тарзда уни куйидагича таърифлаш мумкин.

Техносфера (грек тилида “technē” – санъат, маҳорат, “sphaira – шар, қобик) – кишилиқ жамиятининг Ер планетасида тарихан қарор топган ўз санъати ва маҳоратини намоён қилиши мумкин бўлган ишлаб чиқариш фаолияти муҳити.

Лекин бу тушунчада ҳам техносфера тўлиғича очиб берилди, деб айтолмаймиз. Техносфера Биосферанинг (Ер планетасининг ҳаёт қобиғи) бир қисми. У одамларнинг кўп минг йиллик фаолияти давомида ишлаб чиқариш, тўғрироғи меҳнат фаолияти натижасида ўзгарган ва ўзгариб келаётган атроф муҳити. Ўринли савол туғилади, меҳнат ваолияти-ми ёки ишлаб чиқариш фаолияти-ми? Ахир ҳамма инсонлар ҳам иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш фаолитида иштирок этмайдиларку! Шунинг учун ҳам техносферанинг замонавий кўриниши нафақат ишлаб чиқариш, балки хизмат кўрсатиш, таълим-тарбия бериш каби жараёнлардан иборатку!

¹ http://lpmaps.com/bgd_t1r2part2.html

Агарда тадқиқот объекти ҲФХда инсонларнинг меҳнат фаолияти билан боғлиқ муҳити ҳақидаги таълимот бўлса, унда ушбу фан ёки ўқув курсини тўғридан тўғри **“Меҳнат фаолияти хавфсизлиги”** деб номлаш мақсадга мувофиқ эмасму? Мана бу муаммолар жуда долзарб илмий-назарий масалаларидан ҳисобланади. Қуйида биз ушбу муаммога ҳам аниқлик киритишга ҳаркат қиламиз. Зеро техносферанинг таснифланиши айнан унинг тушунчасига аниқлик киритиб берса ажаб эмас.

Кўпгина олимлар (http://lpmaps.com/bgd_t1r2part2.html,) техносферани регион, шаҳар, ишлаб чиқариш муҳити ва турмуш шароити каби таксономик бирликларга ажратмоқдалар. Лекин техносферани бундай қисмларга ажратиш фалсафанинг фанлар объектини таснифлаш ёки классификациялаш қонуниятларига мос тушмайди.

Техносфера классификацияси ёки таснифланиши. “Классификация” (ёки ўзбекчада ”таснифлаш”) терминининг ўзаги лотинчадаги “класс” – бўғинлаш, разрядлаш деган сўзлар маъносига яқинроқ келиб, у нарса ёки ходисаларни муайян бир кўрсаткичларига қараб бўғинлаш (тўғрироғи, қисмларга ажратиш ва тизимлаштириш – А.Н.), деган маънони англатади¹. Масалан, геотизимларни таснифлаш, яъни гуруҳ ёки классларга ажратишга оид ўнлаб таклиф ва мулоҳазалар бор. Аммо, ҳанузгача кўпгина фанларда бўлгани каби, ҲФХнинг объекти – техносферанинг ягона, умумэътироф этилган таснифлаш жадвали ёки схемаси йўқ. Бу ўринда намуна сифатида кимё фанидаги Д.Менделеев даврий тизимидаги кимёвий моддларнинг таснифлагичи ёки табиий географияда геотизимларнинг иерархик таснифлагичини (А.Нигматов,2010) олиш мумкин. Россиялик буюк “классификатор олим” Д.Л.Арманднинг (1975) фикрига қўшилган тарзда техносферани таснифлашда:

- фалсафанинг фанлар методологиясига қўйиладиган талабларга жавоб бера олиши;
- муайян бир мақсадга йўналтирилганлиги;
- илмий ва амалий аҳамият касб этиши;
- ажратилган гуруҳларнинг қайтармаслиги;
- гуруҳларни номланиши оддий ва раво кўринишда ифода этилиши;
- методик жиҳатдан уни тадқиқ қилиш имкониятига эга бўлишлик каби қоидаларига ҲФХни таснифлашда ҳаракат қиламиз.

Шундай қилиб, техносферани юқорида қайд этилган талабларга мувофиқ равишда кўриб чиқамиз. Муайян мақсадларга йўналтирилганлик талаби мазкур ҳолатда инсон меҳнат фаолиятининг хавфсизлик даражасини таъминлаш. Бу даража глобал, регионал, миллий, маҳаллий ва локал миқёсда кечиши мумкин. Зеро техносфера тизими, айнан тизими, ўзаро узвий боғлангандир. Орол денгизи, Фуқисимо ёки Чернобил АЭСнинг

¹ *Класс. Классификация.* Краткий словарь иностранных слов. – М.: Гос.изд. иностр. и нац. словарей, 1952. С. 179., А.Нигматов. Табиий географик фанларнинг назарий асослари. Монография...-Т.:”Fan va texnologiya”, 2010.;

фаолокати натижасида юзага келган регионал муаммо ўз ўзидан атмосфера ҳавосининг глобал ифлосланиш ёки исишига олиб келмоқда. Иқлим исиши ёки атроф муҳит технотизимларининг ифлосланиши миллий, маҳаллий ва локал даражада инсонларнинг меҳнат фаолияти муҳитига таъсир этмасдан иложи йўқ. Ҳаёт фаолияти давомида ушбу ўзгарувчан муҳитга инсонларнинг мослашуви мазкур фаннинг олдига қўйиладиган вазифаларидан биридир.

Илмий ва амалий аҳамият касб этиши – инсон меҳнат фаолияти қачон, қаерда ва қай даражада хавфсиз бўла олади. Мазкур талаб аниқ вақт ёки давр бирлигини кўрсата олиш, ўзига хос ҳудудийлик (жой) элементларининг мавжудлигини ва унга қараб хавфсизлик талабларининг ўзгарувчанлигини намоён этади. Бу эса кенг илмий тадқиқотларни олиб боришни, яъни илмий асосланганликни ва уни амалга қўллашнинг аниқ бир кўрсатмаларининг мавжудлигини акс эттиради.

Ажратилган гуруҳларнинг қайтармаслиги – инсон меҳнат фаолияти хавфсизлиги ўнлаб, балки юзлаб ташқи ва ички омиллар таъсирида турли даража ва миқёсда намоён бўлади, яъни турли даражадаги таксономик бирликлар зинапоясида туради. Ушбу иерархик поғоларнинг катта-кичиклиги қай даражада бўлиши лозим? Улар бир бирини ёки бошқа фанлардаги қисмларнинг айнан ўзи бўлиб қолмайдими? Масалан, агарда техносфера биосфера ёки экосферанинг бир қисми бўлса, унда биология ва экология фанларидаги тасниф кўрсаткичларини ХФХ кўчириб қўйган маъкулдир.

Гуруҳларни номланиши оддий ва раво кўринишида ифода этилиши, яъни ҳар бир ажратилган техносферанинг қисмини аниқ, лўнда ва тушунарли (асл мазмун ва моҳиятини акс эттирган тарзда) номлаш ҳам биздан катта маҳорат талаб этади. Масалан, кичик бир завод ҳам таълим муассаси ҳам техносферанинг бир қисми. Улар ўзаро ва бошқа техносфера қисмларини қайтрамаган тарзда қандай номланиши керак. Ахир бири ишлаб чиқариш, иккинчиси эса таълим ва тарбия бериш хизмати билан шуғулланади. Уларнинг ҳар бирида ХФХ талаблари ўзгача. Демакки улар муайян мақсадлардаги турли технотизимлардир.

Методик жиҳатдан уни тадқиқ қилиш имкониятига эга бўлишлик қоидаси ажратилган техносфера қисмларини ўрганиш ёки тадқиқ қилиш имкониятига эга бўлишлик. Бу фанда ХФХга методологик ёндошувнинг мавжудлиги, яъни методларни танлаш ва уларни тизимлаштириш мумкинлигини кўрсатади.

Техносфера ХФХда энг йирик технотизим дейиш мумкин. У иерархик поҳонада энг юкорида турувчи ва пастдаги барча қисмларини қамраб олувчи ХФХ объектидир. Шундай қилиб техносфера технотизимларнинг энг йирик кўрсаткичи, холос. Техносфера иерархик поғонада турувчи технотизимларга ажратилади. Технотизимларнинг ҳар бири ХФХда алоҳида бир тадқиқот объекти бўла олади.

Рус эколог олими Н.Ф.Реймерс(1990) экотимзимларни уларнинг ўлчам бирлигига қараб таснифлашни – микро, мезо, макротимзимларни ажратишни олға суради. Бу мантиқан тўғри. Зеро, экотимзимлар тури айнан организмларнинг макони бўйича қандай яшаш муҳитни қамраб олишига боғлиқ. ҲФХда организмлар туркумига кирувчи инсон фаолият муҳити унинг фаолият юритиш макони нуқтаи назардан таснифланиш бирламчи аҳамият касб этади. (1-жадвал). Ушбу таснифланиш универсал кўринишга эга бўлиб, у фақатгина инсонларни фаолият кўрсатиши нуқтаи назаридан қаралган холос. Мего-мезо-микротехнотимзимларни ўз навбатида эгаллаган маконига қараб турли синфларга ажратиш учун уни нисбатан каттароқ тип ва нисбатан кичкинароқ турларга ажратилди. Ҳат бир тадқиқотчи уни иқтисодий ёки ижтимоий, сиёсий ёки маърифий-маданий, экологик ёки институционал жиҳатларига кўра ҳам таснифлаши мумкин.

Технотимзим – инсонларнинг муайян ҳаёт фаолияти муҳити

Мегатехнотимзим икки термин *мега* (грекчада *megas* – *йирик*) + *техносфера* абвеатурасидан олинган. Унга техносферанинг инсон фаолият юритадиган 4 та катта сферасимон типи (*шарсимон қобили*) – атмосфера, педосфера, литосфера, гидросфера киритилади. Зеро ушбу тўртта муҳитда ҳам инсон фаолият юритади. Масалан, атмосферада учувчилар, космонавтлар, аэронавтлар, парашютчилар, спортчилар ва ҳ.к. Педосферада (тупроқ қатламида) – фермерлар, чорвадорлар, ўрмончилар, деҳқонлар, илмий ходимлар, агротуристлар ва ҳ.к. Гидросферада – денгизчилар, океанолог олимлар, спортчилар, сув ости бойликлари қидирувчилар ва ҳ.к. Литосферада – геологалар, спеалоглар, шахтерлар, гидрогелоглар, метрочилар, тоннелчилар, йўловчилар ва ҳ.к. Ҳаммасига ҳам ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлаш бирламчи аҳамият касб этади. Лекин, ушбу касб эгалари мазкур 4 сферанинг турли қатламларидаги турли шароитларда ўзига хос ҲФХ ни таъминлаш турларига эгадирлар.

Космонавт ва аэронавтлар атмосферанинг стратосфера ва ионосфера қатларида, иқлимшунослар тропосферада, учувчилар эса тропосфера ва қуйи стратосферада ўз меҳнат фаолиятини ўтайдилар. Деҳқонлар ва чорвадорлар Ернинг тупроқ қатламининг устида, гўрков ва алоқа кабелчилар унинг ички қатламида меҳнат фаолиятини олиб бордилар. Ҳудди шундай ҳолат гидросфера ва литосферага тегишлидир.

Макротехнотимзим (грекчада *makros* - *катта*) мегатехнотимзимлар инсон фаолиятининг ўзига хос катта технотимзимларини тип ва тур жиҳатдан қамраб олган маконидир. Бу ерда инсонлар Ер юзасида ҳаёт

1-жадвал. Техносферанинг таснифланиши

Техносфера (Глобал технотизим)

<i>Макротехнотизимлар типлари</i>	<i>Мезотехнотизимлар типлари</i>	<i>Минитехнотизимлар типлари</i>	<i>турлари</i>
	<p>Шаҳарлар</p> <p>Аҳоли яшайдиган зоналар</p>	<p>Бир қаватли уйлар</p> <p>Кўп қаватли уйлар</p> <p>Савдо шаҳобчалари Транспорт комуникациялари Поликлиникалар ва шофохоналар</p> <p>Таълим муассасалари</p>	<p>Хом ғиштли ва пахсали Пишиқ ғиштли Ёғочли</p> <p>Бошқа чидамли қурилиш материалларидан Бошқа чидамсиз қурилиш материалларидан 2-4 қаватли темир-бетонли 2-4 қаватли ғиштли 5-9 қаватли темир-бетон</p>
<p>Тупроқ юзаси</p>			<p>1 қаватли 50 йилдан ошган муддатдаги 1 қаватли 50 йилгача бўлган муддатдаги 2-4 қаватли темир-бетонли 2-4 қаватли ғиштли 5ва ундан зиёд қаватли темир-бетонли</p>
<p>Педосфера</p>		<p>Соғломлаштириш ва дам олиш жойлари</p>	

				Спорт иншоатлари
			<p>Саноат зоналари</p> <p>Транспорт ва алоқа зоналари</p> <p>Хизмат кўрсатиш ва савдо зонлари</p> <p>Ижтимоий таъминот зоналари</p> <p>Спорт ва дам олиш зоналари</p>	
			<p>Қишлоқлар</p> <p>Экинзорлар</p> <p>Яйловлар ва ҳ.к.</p>	
		Стратосфера		
		Ионосфера		
		Термосфера		
Педосфера		Тупроқ юзаси		
		Тупроқнинг ички қатлами		
Литосфера				
Гидросфера				
Атмосфера	Тропосфера			

фаолиятини олиб борувчиларини Атмосфера қобиғига ёки лито-педосфера қобиғига киритиш кераклиги жумбоқ бўлиб қолди. Чунки инсоният нафақат тупроқ устида, балки тупроқ бўлмаган ва тоғ жинслари очилиб қолган ерларда ҳам уй-жой ва шаҳарлар қуришади. Литосферани эса педосферадан тубдан фарқ қиладиган жойлари кўп. Масалан, қишлоқ хўжалигини юритиш асосан Ернинг тупроқ қатлами тарқалган жойларида олиб борилади. Унда ҲФХни таъминлаш Ер ости Литосферада фаолият юритувчилардан кескин фарқ қилади. Ваҳоланки биз аҳоли яшайдиган жой типлари ёки турларини ҳар иккала сферада – литосфера ва педосферада ажратишимиз мумкин.

Микротехнотизимлар (грекчада *mikros* - кичик) бевосита маҳаллий миқёсга тушадиган тип ва турлардан иборат ҲФХни таъминлаш маконларидир.

ҲФХнинг тадқиқот предмети – технотизимларнинг инсон ҳаёти учун хавфсизлик даражаси ва уни таъминлаш йўллари.

Экотизимлар доирасида барча экологик фанлар ўз тадқиқотларини олиб боради. Унда кечаётган ҳодиса ва жараёнларга оид фикр ва мулоҳазалар юритади ҳамда ўз назарий ва амалий ҳулосаларини билдиради. Объект сўзининг ўзи латинчадаги «*objektum*»-«*нарса*» сўзидан олинган бўлиб, у субъектга (тадқиқотчига, изланувчига, ўрганувчига) қарама қарши бўлган ҳамда инсонларнинг билиш фаолиятига қаратилган объектив борлиқ¹.

Таниқли геоэколог олим, проф. Асом Рафиков⁶ (2000) экотизим билан геотизим ўртасидаги ўхшашаликлар ва фарқларни очиб берар экан, у экотизим моноцентрик комплекс, геотизим – полицентрик. Экотизимларда таснифлашда трофик занжир (озиқ-овқат), адаптация ҳодисаси бирламчи аҳамият касб этса, геотизимларда муҳит устиворлиги бўлиб ҳисобланади, дейди. Геотизимлар экотизимларга нисбатан мураккаб тузилган юқори тик тузилишга эга, деб қарайди. Олимнинг айрим ҳудудийлик ва кенглик доирасидаги фикларига қўшилиш билан бир каторда, унинг айрим дунёқарашларига қўшилиш қийин. Чунки, биринчидан, экотизим ва геотизим ҳам иерархик поғонада турувчи мажмуаладир. Зеро улар қисмларга ажратлади ва иерархик поғонага (зинапоясимон қилиб) жойлаштирилади. Геотизимлар, фақатгина қуруқлик геотизимларидан иборат бўлса, экотизимлар ҳаво кенгликлари, литолик ва тупроқ қатламларида, сув акваторияларидан ҳам иборатдир. Геотизимлар географик қобикдан пастга томон ажратиб чиқилса, экотизимлар экосферадан пастги қисмларга томон ажратилади. Геотизимларнинг энг кичик бирлиги фация даражасигача таснифланса, экотизимлар бир томчи сувгача бўлган кичик кенгликларни ҳам қамраб олиши мумкин. Экотизимларда озуқа занжири эмас, балки уларни яшаш муҳити, макони нуқтаи назаридан қараш мантиқан тўғридир.

Шундай экан, экотизимлар ўз таснифлаш даражасига геотизимларни ҳам қамраб олиши мумкин, зеро геоэкология экологиянинг бир тармоғидир.

¹ *Объект*. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 6-жилд.-Т.: «ЎзМЭ давлат илмий нашриёти», 2003. 441-б.

⁶ *А.А. Рафиков*. Геоэкология асослари.// Маърузалар матни. – Т., ЎзМУ нашриёти, 2000. 10-11-б.

“Геоэкология” куруқлик геотизимларини ўрганса, экологиянинг яна бир тармоғи “Гидроэкология” сув экотизимларини, “Атмосфера экологияси” – ҳаво кенглигидаги экотизимларни, “Тупроқ экологияси” унинг қатламларидаги экотизимларни, “Геологик экология” эса эколитосферадаги экотизимларни тадқиқ қилади.

Н.Ф.Реймерс(1990) экотизимларни унинг ўлчам бирлигига қараб таснифлашни, яъни микро, мезо, макротизимларни ажратишни олға суради. Бу бизнингча ҳам мантиқан тўридир. Зеро, экотизимлар тури айнан организмларнинг катта-кичилигига қараб ҳам таснифланади. XXI асрнинг бошига келиб нанотехнологиялар ривожланаётган бир пайтда экотизимлар микродан ташқари наноорганизмлар нуқтаи назардан ҳам таснифланиши жуда зарур. Шунинг учун ҳам биз экотизим эгаллаган майдон ва маконга қараб қуйидагича таснифлашни ёқлаб читқамиз.

3.2. Фавқулодда вазиятларда ҳаёт фаолияти хавфсизлиги *Режа:*

3.2.1. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигига таъсир этувчи омиллар ва келиб чиқадиган муаммолар.

3.2.2. Антропоген (техноген) тусда келиб чиқадиган фавқулодда вазиятлар ва кўриладиган чоралар.

3.2.3. Аралаш тусда келиб чиқадиган фавқулодда вазиятлар ва кўриладиган чоралар.

Калит сўзлар: зилзила, кўчки, тоғ ўпирилиши, ер сатҳининг чўкиши, сув тошқини, сел оқимлари, экологик фавқулодда вазиятлар, техноген фавқулодда вазиятлар, авариялари, портлаш, ёнғин, радиоактивлик, гидротехник ҳалокатлар, маънавий кучлар, маънавий фактор.

3.2.1. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигига таъсир этувчи омиллар ва келиб чиқадиган муаммолар.

Хавфли геологик фавқулодда вазиятлар Вазирлар маҳкамасининг 455-сонли қарорига кўра қуйидагилардан иборат-зилзила, кўчки, тоғ ўпирилиши, ер сатҳининг чўкиши. Табиий офатлар фавқулодда вазиятларнинг содир бўлишида хавфли жараён ва ҳодисалар алоҳида аҳамиятга эга, шунинг учун уларнинг фалокатли оқибатларида аҳолини ва халқ хўжалиги объектларини муҳофаза қилиш учун хавфли геологик ҳодисаларнинг юзага келиш сабаблари, фазовий тарқалиш қонуниятлари ўрганилади, баҳоланади, башорат қилинади, уларга қарши ҳар хил чора-тадбирлар ишлаб чиқилади. Бу муаммони бартараф этишни ҳуқуқий томондан қандай амалга ошириш «Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларда муҳофаза қилиш тўғрисидаги» қонуннинг 21, 22, 23 моддаларида баён этилган ва бундай ҳолатларда қандай ҳужжатлар кераклиги 3 моддасига аниқ кўрсатиб ўтилган.

Ер юзасида содир бўладиган хавфли геологик жараёнлар асосан ернинг ички кучлари ва ташқи табиий омиллар таъсирида бўлади. Бундан ташқари илмий-техник маълумотларга кўра геологик муҳитга инсоннинг хўжалик, қурилиш ҳамда ҳарбий ҳолатларда олиб бориладиган ҳаракатлари ҳам таъсир этади. Натижада кўлами ката ёки кичик бўлган турли хилдаги офатлар вужудга келади.

Шаҳар қурилиши, турар жой бинолари, иншоотлар қурилишида амалдаги меъёрлар ва қоидаларга риоя қилиш зилзила оқибатларини камайтириш муаммосига етарли аҳамият бериш мақсадида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 1900-2000 йиллар оралиғини табиий ғавқулда вазиятлар бўйича хавф –хатарни камайтириш халқаро 10 йиллиги деб эълон қилган. Шу давр ичида бир қатор мамлакатларнинг марказий шаҳарлари тендер асосида халқаро «Радиус» лойиҳасини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлдилар. «Радиус» ни дастур бўйича тўла жорий этиш имконияти берилган бешта – Аддис-Абеба (Эфиопия), Гуаякилем (Эквадор), Тихуана (Мексика), Зигонг (Хитой) шаҳарлари қаторига Ўзбекистон Республикаси пойтахти Тошкент ҳам кирган.

Ғавқулда вазиятлар деб, оқибатда инсонлар ўлимига ёки атроф муҳитга зарар келишига, кўплаб моддий йўқотишларга турмуш фаолияти бузилишига олиб келувчи ёки олиб келган авариялар фалокатлар, табиий ва экологик офатлар, эпидемиялар, эпизоотиялар, эпифитотиялар натижасида маълум ҳудудда юзага келган ҳолат.

Табиий офат деб, натижасида одамлар ҳаёти ёки саломатлигига хавф туғдириши мумкин бўлган ёки хавф туғдирган, моддий бойликлар ва бизларни ўраб турган атроф муҳитнинг бузилиши ёки йўқ бўлиб кетишига сабабчи бўлган катта кўламдаги табиат ҳодисасига айтилади.

Ўзбекистон учун қуйидаги ғавқулда вазиятлар характерлидир:

а)табиий характердагилар:

- зилзила;

- сув тошқини, сел оқими, кўчишлар;

- эпидемиялар, эпизоотиялар, эпифитотиялар.

б)техноген характердагилар:

- темир йўл ва автотранспортдаги ва метрополитендаги авариялар.

- авиаҳалокатлар;

-технологик жараёнида КТЗМ ишлатувчи кимёвий хавфли объектлар, корхоналардаги авариялар ва уларни транспортировка қилишдаги авариялар.

-портлаш ва ёнғиндан хавфли объектлардаги авариялар, тадқиқот реактори ва радиоактив моддаларни ташишидаги авариялар.

в) экологик характердагилар;

-саноат корхоналари томонидан зарарли аралашмаларнинг атмосферага чиқиши чегаравий чиқиши мумкин бўлган концентрациядан ортиб кетиши, катта ҳудудларнинг заҳарли моддалар радиоактив чиқиндилар ва ҳоказолар билан заҳарланиши, шу жумладан трансчегаравий Ғавқулда вазият

оқибатида юз бериши натижасида атмосфера (ҳаво муҳити), тупроқ ва сувнинг таркиби хоссаларининг ўзгариши.

Табиий хусусиятли фавқулодда вазиятлар.

1.Геологик хавфли ҳодисалар:

-одамлар ўлимига, маъмурий ишлаб чиқариш биноларини, технологик асбоб-ускуналарнинг, энергия таъминоти, транспорт коммуникациялари, ижтимоий йўналишдаги биноларининг ва уй-жойларининг турлича даражада бузилишига, ишлаб чиқариш ва одамлар ҳаёт фаолиятининг издан чиқишига олиб келган зил-зилалар;

-одамлар ўлимига олиб келган ёки олиб келиши мумкин бўлган ва хавфли худуддан одамларни вақтинча кўчиришни ёки хавфсиз жойларга доимий яшаш учун кўчиришни талаб қилувчи ер кўчишлари, тоғ ўпирилишлари ва бошқа хавфли геологик ҳодисалар.

2.Гидрометеорологик хавфли ҳодисалар.

-одамлар ўлимига аҳоли пунктларини, баъзи саноат ва қишлоқ хўжалиги объектларини сув босишига инфратузилмалар ва транспорт коммуникациялари, ишлаб чиқариш ва одамлар ҳаёт фаолияти бузилишига олиб келган ва шошилиш кўчириш тадбирлари ўтказилишини талаб қиладиган сув тошқинлари, сув тўпланиши ва селлар.

-аҳоли пунктларидаги санаторий, дам олиш уйларидаги, соғломлаштириш лагерларидаги одамларнинг, туристлар ва спортчиларнинг жароҳатланишига ва ўлимига олиб келган ёки олиб келиши мумкин бўлган қор кўчкилари, кучли шамоллар, довуллар, жала ва бошқа хавфли гидрометеорологик ҳодисалар.

Зилзила.

Зил-зилалар энг вайрон қилувчи, олдиндан айтиш қийин бўлган, бошқарилмайдиган табиий офатлар ҳисобланади. Зил-зила деганда, ер қобиғи ёки мантиянинг юқори қисмидаги силжишлар ва ажралишлар натижасида юзага келувчи ва эластик тўлқин тебранишлари кўринишида катта масофаларга узатилувчи ер ости силкинишлари ва ер сиртининг тебранинишлари тушунилади.

Шарқий ва жанубий қозоғистоннинг тоғ олди ва тоғ районларида юқори сейсмик активлик билан тавсифланади. Улар 8-9 баллик зоналар қилиб белгиланган. Шарқий ва жанубий Фарғона, Чотқол-кўрама сейсмо актив зоналар аниқ ажралиб турадилар. Ўзбекистон худидида кучли зилзилалар юз берганда аоқалар, иссиқлик, газ, сув таъминоти тизимлари шикастланади. Саноат объектларида авариялар бўлиши, темир йўл излари, автомобил йўллари, электр узатиш линиялари шикастланиши, кўприклар бузилиши мумкин. Чорвоқ, Андижон, Тахтагул (қирғизстон), қайроққум (Тожикистон), Каттакўрғон, Жанубий Сурхон сув омборлари тўғонлари шикастланиши мумкин. Фарғона, Тошкент, Навоий ва уларга қўшни вилоятларда КТЗМ чиқариб ташланиши билан кечадиган ва катта захарланиш зоналари ҳосил бўлишини келтириб чиқарадиган йирик авариялар бўлиши мумкин.

Зилзилада эски қурилишларнинг турар-жой сектори анча вайрон бўлади. Иссиқ вақтларда турмуш таъминоти тизимлари ва алоқалари шикастланиши оқибатида эпидемик ҳолат мураккаблашиши мумкин.

Юқори баллик сейсмик силкинишлар республиканинг тоғолди районларида кўчишларни юзага келтириши мумкин. Натижада кўшимча шикастланишлар ва вайроналар ҳосил бўлади.

Ер юзиди ҳар йили 150 га яқин вайрон қилувчи, деярли 7000 та кучли, 19 мингта ўртача ва 150 мингга яқин кучсиз зилзилалар бўлиб туради.

Америкалик сейсмолог Д.Ф.Рихтер 1933 йилда зилзила кучининг баҳолашнинг 9 балли шкаласини ишлаб чиқди. У зилзила юз берган нуқтада ажралиб чиқадиган энергия катталигининг ўзгаришига асосланади.

Италиялик сейсмолог Я.Меркалли зилзила интенсивлигини баҳолашнинг 12 баллик тизимини таклиф қилди. Унинг асосида зилзила кучини қурилишларнинг вайрон бўлиши даражасига ва ҳалок бўлган одамлар сонига қараб баҳолаш ётади.

Сув тошқини, сел оқимлари, ўпирилиш ва бошқа гидрометеорологик ҳодисалар

Сув тошқини–дарёлар, каналлар ва сойларда сув сатҳининг кўтарилиши оқибатида қуруқликнинг катта қисмининг вақтинча сув билан қопланиши.

Ўзбекистон ҳудудининг анчагина қисмини, айниқса баҳорги ёзги даврда, тошқинлар, сел оқимлари оқибатида сув босиш эҳтимоли бор.

Ўзбекистонда республикамиз ҳудуди ва ундан ташқаридаги тўғонлар, йирик ва кичик сув омборларининг ўпирилиши натижасида катастрофик сув босиши юз бериши мумкин.

Усой уюмининг ўпирилиши ва Сарез кўли (Тожикистон) сувининг катта зоналарда сув босишига сабаб бўлиши мумкинлиги Сурхондарё, Бухоро, Хоразм вилоятлари ва қорақалпоғистон Республикаси ҳудудига катта хавф туғдиради. Республикамизда ҳалокатли сув босиши мумкин бўлган умумий майдон 24 кв кмдан ортиқдир. Бундай зонага 3,1 млн киши тушиб қолиши мумкин.

Сел–тоғ дарёларида таркибида тошлар, лой, қум жуда кўп 75 фоиз бўлган сув оқимининг тўсатдан пайдо бўлиши. Селларнинг юзага келишининг асосий сабаблари тоғлардаги кучли ёмғирлар, қор ва мўзнинг тез эриши, тоғ қўллари тўғонининг ёрилиши, ўрмонни кесиб кетиш ва тоғ ёнбағирларидаги ўсимликларни йўқ қилиш, карьерлардаги портлатиш ишлари, тоғ кон ишларида технологиянинг бузилишидан иборат.

Ўзбекистоннинг 10% га яқин ҳудудида сел келиш хавфи бор. Шўнча ҳудудда 29 та туман, 77 та қишлоқ, 540 та хўжалик жойлашган бўлиб, унда 4 мингдан ортиқ киши яшайди, Бундан ташқари хавфли зонада бир қанча иқтисодиёт объектлари ҳам жойлашган.

Ўпирилиш–тоғ жинслари массасининг ўз оғирлиги таъсирида қиялик бўйлаб хавфли силжиши. Ўпирилиш бўлишининг асосий сабаблари қуйидагилардан иборат:

-намлаш ва ўта намланиш оқибатида жинслар маҳкамлигининг сусайиши;

-сейсмик силкинишлар;

-тоғ қазилма технологиясининг бузилиши;

-тоғ бағирларида ўрмон ва бошқа ўсимликларнинг кесилиб кетиши;

-нотўғри агротехника ва ёнбағирларни қишлоқ хўжалик мулклари қилиб ишлатиш;

Ўпирилиш хавфи бор зоналарда 149 та соғломлаштириш масканлари, 87 та қишлоқ, 626 хўжалик ва 5 мингдан ортиқ аҳоли бор.

Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Андижон, қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида жуда хавфли ўпирилишлар бўлиши мумкин.

3. Фавқулодда вазият эпидимологик, эпизоотик ва эпифитотик вазиятлар:

-ўлат, вабо, сарғайма, иситма каби сийрак учрайдиган касалликларни келтириб чиқарган алоҳида хавфли инфекциялар;

-одамларда учрайдиган юкумли касалликлар риккетсиялар– эпидемик тошмали терлама, Бриль касаллиги, қу–иситмаси;

-зооноз инфекциялар–Сибирь яраси, кўтириш;

-вирусли инфекциялар–СПИД;

-эпидемия алоҳида хавфли инфекцияларга тегишли бўлмаган, юқиш манбаи битта ёки юқиш омили бир хил бўлган одамларнинг гуруҳ бўлиб юкумли касалланиш–50 киши ва ундан ортиқ бир аҳоли пункттида;

-аниқланмаган этиология билан гуруҳ бўлиб касалланиш–20 киши ва ундан ортиқ;

-ташхиси аниқланмаган безгак касаллиги–15 киши ва ундан ортиқ;

-ўлим ёки касалланиш даражаси;

- ўртача статистик даражадан 3 баравар ва ундан ортиқ бўлган вазият;

-заҳарли моддалар билан заҳарланиш–жабрланганлар сони 10 киши, вафот этганлар сони–2 киши ва ундан ортиқ;

- озик-овқатдан оммавий заҳарланиш жабрланганлар сони 10 киши, вафот этганлар сони 2 киши ва ундан ортиқ;

Эпидемия–инсонларга хос юкумли касалликларнинг маълум бир минтка доирасида оммавий равишда ва вақт ўтиши билан ривожланиб тарқалиши. Унинг даражси шу ҳудудда одатда қайд килинувчи касалланиш даражасидан анча юқори бўлади.

Республика ҳудудининг катта қисми ўлат касаллигининг актив ва кенг кўламдаги Ўрта Осиё табиий ўчоги зонасида жойлашган, шунингдек, Қозоғистондаги (Қизилқум, стюрт) ва Туркманистондаги (Қорақўл) табиий ўлат ўчоги билан чегараланади. Улардан энг активи қизилқум ўлатидир. У кемирувчилар ва ёввойи ҳайвонлар орасидаги амалда бошқарилмайдиган ўлат эпизоотиялари билан характерланади. Инсоннинг ўлат билан касалланиши одатда, касал емирувчи ҳайвондан инфекциянинг унга ўтиш оқибатидир. Актив таъсир қилувчи ўлат ўчоқлари чегарадош Қирғизистон, Тожикистон ва Афғонистон ҳудудларида ҳам мавжуддир. Ўлат бўйича эпидимологик

нохушликлар Ўзбекистон билан чегарадош ҳудудларда, амалда, ҳар йили юз беради. Республикада табиий вабо ўчоқлари 40 млн га майдонда мавжуд бўлиб, у Қорақалпоғистон ва Навоий, Бухоро, Қашқадарё вилоятларининг деярли барча қумлик яйлов ҳудудларини ўз ичига олади.

Эпизоотия–юқумли касалликларнинг маълум бир минтқа доирасида кўп сондаги бир ёки кўп турдаги ҳайвонлар орасида бир вақтнинг ўзида вақт ва маконда ривожланиб тарқалиши. Унинг даражаси шу ҳудудда одатда қайд килинувчи касалланиш даражасидан анча юқори бўлади.

Республикадаги санитария эпизоотик вазият Ўзбекистонга яқин ва ўзоқ чет эл мамлакатларидан қорамол касаллигининг қириб келиши хавфи сақланаётганлиги билан характерланади. Республика ҳудудида (Қашқадарё, Бухоро, Андижон, Наманган вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси) куйдирги ва геморагик безгакнинг табиий ўчоқлари бор.

Эпифитотия ва қишлоқ хўжалик ўсимликларининг вақт ва маконда ривожланувчи юқумли касаллиги ва ўсимлик зараркунандаларининг кескин ортиб кетиши. Бунда қишлоқ хўжалик ўсимликлари кенг кўламда ҳалокатга учрайди ва уларнинг ҳосилдорлиги пасайиб кетади.

Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Бухоро, Самарқанд вилоятларининг яйлов, кўрик, тоғолди ерларида чигирткасимонларнинг доимий резервацияси аниқланган. Улар қишлоқ хўжалиги ва табиатга катта зарар етказдилар. Вилоятлардаги экин майдонларида ўсимликларни ҳалок килувчи “кўнгир ранг” касаллиги учрайди.

Экологик хусусиятли фавқулодда вазиятлар.

1.Қуруқлик (тупроқ, сув ости)нинг ҳолати ўзгариши билан боғлиқ вазиятлар:

-ҳалокатли кўчкилар–фойдали қазилмаларни қазिश чоғида ер остига ишлов берилиши ва инсоннинг бошқа фаолияти натижасида пайдо бўлувчи ер юзасининг ўпирилиши, силжиши;

Тупроқ ва ер остининг саноат туфайли келиб чиққан токсикантлар билан ифлосланган, оғир металллар, нефт маҳсулотлари, шунингдек қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқишда одамларнинг соғлиғи учун хавф солувчи концентрацияларда қўлланадиган пестицидлар ва бошқа заҳарли химикатлар мавжудлиги.

2.Атмосфера (ҳаво муҳити) таркиби ва хоссалари ўзгариши билан боғлиқ бўлган вазиятлар;

ҳаво муҳитининг қуйидаги ингредиентлар билан экстремал юқори ифлосланиши: олтингугурт, диоксид ва азотли оксид, углеродли оксид, диоксин, қурум, ганч ва одамлар соғлиғига хавф солувчи концентрацияларда антропоген тусдаги бошқа заҳарли моддаларлар:

-катта кўламда кислотали зоналар ҳосил бўлиши ва кўп миқдорда кислота чиқиндилари ёғилиши;

-радиациянинг юқори даражаси.

3.Гидросфера ҳолатининг ўзгариши билан боғлиқ вазиятлар:

-ер юзаси ва ер ости сувларининг саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши оқавалари: нефт маҳсулотлари, одамларнинг заҳарланишига олиб келган ёки олиб келиши мумкин бўлган таркибида оғир металллар, ҳар хил заҳарли химикатлар бор бўлган чиқиндилар ва бошқа заҳарли моддалар билан экстремал юқори даражада ифлосланиши;

-бинолар, муҳандислик коммуникациялари ва уй-жойларнинг емирилишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган сизот сувлар даражасининг ошиши;

-сув манбалари ва сув олиш жойларининг заҳарли моддалар билан ифлосланиши оқибатида ичимлик сувининг кескин етишмаслиги.

Радиоактив чиқиндиларни тўплагичлар:

Навоий вилоятининг ТМК ва Тошкент вилоятининг Олмалиқ ТМКлари энг катта хавф туғдиради. Тўплагичларнинг сел оқимлари таъсирида бузилиши ва заҳарли моддаларларнинг ирригация тармоғига тушиши, шунингдек, уларнинг кўмилган жойларида тупроқ эрозияси оқибатида тарқалиши натижасида Фавқулудда вазият юзага келиши мумкин.

Трансчегаравий фавқулудда вазиятлар:

-қўшни қозоғистон, Тожикистон, Туркменистон, ва Афғонистон давлатлари ҳудудида трансчегаравий фавқулудда вазият лар юз беришининг катта эҳтимоллиги билан характерланувчи кўплаб хавф-хатар зоналари жойлашган. Маълум шароитларда хавф-хатар зонасига Фарғона водийси вилғоялари ҳам киради. Унинг чегараси бўйлаб қўшни қирғизистон ва Тожикистон ҳудудларидаги радиоактив чиқинди сақлагичлари ва ағдармалари мавжуд. Майли-сув (Қирғизистон) дарёси водийсида жойлашган, умумий ҳажми 1,5 млн куб.м бўлган 23 та сақлагичлар Фарғона водийси учун алоҳида хавф туғдиради. Уларнинг бузилиши оқибатида Ўзбекистон ҳудудининг 300 кв.км.лик майдони ва унда истиқомат қилувчи 1,5 млн кишининг радиоактив чиқиндилар билан заҳарланиш хавфи туғилади.

Ленинобод тоғ-кимё (Тожикистон) комбинатининг кўп йиллик иш фаолияти оқибатида бир нечта радиоактив чиқиндилар сақлагичлари пайдо бўлди. Унинг энг йириги Сирдарёнинг чап қирғоғида жойлашган Дегмат сақлагичидир. Унинг ҳимоя тўсиғи бўзилса ёки сақлагичда тирқиш пайдо бўлса, радиоактив чиқиндилар Сирдарё дарёси бўйлаб 120 мингдан ортиқ аҳолиси бўлган 100 кв.км.лик Ўзбекистон ҳудудини ифлослантириши мумкин.

Тожикистоннинг Тоғли-Бадахшон вилоятида жойлашган Сарез кўлидаги тўғоннинг бузилиши республикамизнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида маълум таъсир кўрсатиши мумкин.

Бу кўп денгиз сатҳидан 2600 метр баландликда жойлашган. Ҳажми 2 млрд. куб.м бўлган ўпирилма массанинг кўлга тушиши тўғонга жиддий хавф туғдиради оқибатида катта миқдордаги сувнинг 360 млн куб ҳажм миқдорда тўғондан тошиб ўтишини келтириб чиқаради ва ундан ҳосил бўлган баланд тўлкин Бартанч, Панж, Амударё дарёлари бўйлаб йўналишини давом

эттиради. Амударё қайиридаги Сурхондарё, Бухоро, Хоразм вилоятлари ва қорақалпоғистон Республикасининг умумий майдони 23,64 минг кв.м бўлган худуди катта ҳалокат зонасига тушиб қолади. Бу зонада 2 млн. дан ортик аҳоли яшайди.

3.2.2. Антропоген (техноген) тусда келиб чиқадиган фавқулодда вазиятлар ва кўриладиган чоралар.

Техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар.

Аҳолини ва худудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишнинг қонуний асосини Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фавқулодда вазиятлар вазирининг кўрсатма ва буйруқлари ташкил этади.

Аҳоли ҳаётига фақат қирғин қуроллари эмас, балки бошқа хавф-хатарлар ҳам таҳдид солиб турадики, уларни назардан четга қочириш асло мумкин эмас. Булар табиий офатлар, авария, ҳалокатлардир. Содир бўлиб ўтган бир нечта ҳалокатлар (масалан, Чернобилдаги атом электр станциясидаги авария, 25000 одамнинг ёстиғини қуритган Спитак зилзиласи ва бошқалар.) фуқаро мудофаасининг ўрни ва вазифаларига бошқача кўз билан қараш керак эканлигини кўрсатиб берди.

Эндиликда фуқаро мудофааси учун авария, ҳалокат ва табиий офатларларнинг оқибатларини тугатиш, авария -қутқарув ишларини олиб бориш билан бирга содир бўлиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, бундай вазиятларни башоратлаш вазифаси етакчи роль ўйнаши лозим эди.

Статистика маълумотларига назар ташласак, 60-йилларда ер юзи аҳолисининг 1,6 % (ҳар 62 кишидан бири) табиий офат, авария, ҳалокатлардан жабрланганлигини, 90-йилларга келиб эса бу кўрсаткич 3,5 (ҳар 29 кишидан бири) ни ташкил этишини кўраемиз. Бу эса аҳолини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш ва қутқарув ишларини ўтказибгина қолмай, бошқа муҳим тадбирларни ташкил қилиш ва аҳоли тайёрлигини амалга ошириш лозимлигини яъни аҳоли ва халқ хўжалиги объектларини муҳофаза этишни таъминлашда муҳим вааказифани бажаради.

1)Транспорт авариялари ва ҳалокатлари:

Йўл транспорт ҳодисаси деб, механик транспорт воситалари ҳаракати жараёнида юз берган ва кишилар ҳалокати ёки тан жароҳатига, транспорт воситалари, иншоотлари, юкларнинг шикастланишига ёки бошқа моддий зарарга олиб келган ҳодисага айтилади.

Келиб чиқиш сабаблари:

Фуқароларнинг энг аввало транспорт ҳаракат хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслиги, тезликни ошириши, спиртли ичимликлар истеъмол қилиб транспорт воситаларини бошқаришлари, қарама-қарши йўлларга чиқиб кетиши, техник носоз транспортларни бошқариши, қолаверса йўлларнинг талаб даражасида эмаслигидир.

а) **Темир йўл транспорти** республикамизда темир йўлларнинг умумий узунлиги 6,6 минг км ни ташкил этади. Асосий темир йўл тармоқлари–Тошкент–Самарқанд–Термиз, Тошкент–Самарқанд –Когон, Тошкент–Ховос–Наманган–Андижон, Тошкент– Самарқанд–Навоий, Учкудук ва Нукус.

Тошкент, Самарқанд, қўқон, Андижон шаҳарларидаги йирик темирйўл узелларидаги ва Сирдарё, Чирчиқ, Зарафшон ва Амударёлардан ўтган йирик темир йўл кўприклардаги авариялар энг катта хавф туғдириши мумкин.

б) **Автомобиль транспорти.**

Республикамиздаги автомобил йўлларининг умумий узунлиги 430 минг км дан иборат. Асосий магистраллар: Катта ўзбек тракти, Катта Фарғона магистрали А-373 Тошкент, Ўш, Сирдарё, Чирчиқ, Амударё, Зарафшон дарёларидан ўтган йирик автомобиль кўприкларида бўладиган авариялар энг катта хавф туғдириш мумкин, яъни ёнғинга, портлашга, ҳаракатланувчи таркибининг бузилишига сабаб бўлган ва темир йўл ходимларининг, ҳалокат ҳудудига темир йўл платформаларида, вокзаллар биноларида ва шаҳар иморатларида бўлган одамлар ўлимига, шунингдек ташилаётган кучли таъсир этувчи захарли моддалар билан ҳалокат жойига тўхташ ҳудудининг захарланишига олиб келган темир йўл транспортидаги ҳалокатлар ва авариялар.

в) **Метрополитен.**

Тошкент шаҳар метросининг умумий узунлиги–42 км бўлиб 29 та станцияси бор, ўртача суткада йўловчи ташиш кўрсаткичи 300 минг кишини ташкил этади.

Тонеллар ва станциялар орасидаги йўлларидаги авариялар энг катта хавф туғдиради.

Автоҳалокатлар.

д) Бир ёки ундан ортиқ кишининг ҳалокатига, ҳаво кемасининг қисман ёки тўла шикастланишига, шунингдек унинг бедарак йўқолишига сабаб бўлган авиация ҳодисаси **авиация ҳалокати** дейилади.

Республикамиз ҳудудида 17 та аэропорт жойлашган бўлиб, улардан энг йириги “Тошкент”, “Самарқанд”, “Нукус”, “Термиз”, “Бухоро”, “Урганч” аэропортларидир. “Ўзбекистон ҳаво йўллари” МАК да 113 та ҳаво кемаси бор. Энг қийин ҳаво трассаси “Тошкент”, “Бухоро”, “Урганч”

ва “Самарқанд” аэропортларидан ўтади. Авиаҳалокатларда жабрланганлар сони кўп ҳолларда ҳаво кемасининг турига боғлиқ.

Олдини олиш бўйича чора-тадбирлар: Режавий – профилактик кўрик ва техник таъмирлаш ишларининг ўз вақтида ўтказилиши, техник носок транспорт воситасидан фойдаланмаслик, барча йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилиш, ҳайдовчиларнинг, аҳолининг биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича малакаларини ошириш, йўл тармоқларини меъёрий талаб даражасида сақлаш шаҳарларда кўп сатҳли йўллардан, ер ости йўлакларидан самарали фойдаланиш.

Кучли таъсир этувчи захарли моддалар деб, халқ хўжаликларида кўлланувчи ва бузилган ёки шикастланган технологик идишлар, сақлагичлар ва асбоб-ускуналардан силкиганда оммавий равишда кишиларни захарловчи кимёвий моддаларга айтилади.

Кимёвий хавфли объектлардаги авариялар:

Атроф табиий муҳитга кучли таъсир қилувчи захарли моддаларнинг отилиб чиқишига ва шикастловчи омилларининг одамлар, ҳайвонлар ва ўсимликларнинг кўплаб шикастланишига олиб келадиган ёки олиб келган даражада, йўл қўйиладиган чегаравий концентрацияларда анча ортик миқдорда санитария-ҳимоя ҳудудидан четга чиқишига сабаб бўладиган кимёвий хавфли объектлардаги авариялар, ёнғин ва портлашдир. Ҳозирги кунда кимёвий хавфли иншоотларнинг асосийлари «Ўзбеккимёсаноат» уюшмасига қаршли корхоналар бўлиб, улар кўкон, Самарқанд, Бухоро, Навоий, Чирчиқ, Олмалиқ ва бошқа шаҳарларда жойлашаган. Ҳаммаси бўлиб республика ҳудудида 200 дан ошиқ кимёвий хавфли объектлар бор. Уларда ишлаб чиқариладиган ёки халқ хўжалигида турли маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун олиб келинадиган, сақланадиган суюқ, қаттиқ, газ ҳолатдаги инсон, ҳайвон соғлиғи учун зарарли, кучли таъсир кўрсатувчи моддалар тури кўп.

Республикамизда энг тарқалган КТЗМлар қаторига аммиак, хлор турли кислоталар киради.

Хлор-қўлланса ҳидлт, сарғиш-яшил газ, сувда яхши эрийди бўғувчи таъсири бор. Ҳаводаги мумкин бўлган миқдори -0,03мг.м куб, агар модданинг миқдори 10 мг.м.куб бўлса инсон организмига салбий таъсир этади, миқдори 2500 мг.м.куб ни ташкил этса ўлимга олиб келиши мумкин.

Хлор нафас олиш йўллари кичиштиради, ўпкани шиширади, юқори даражада қуюқлашгани эса ўлдиради.

Аммиак-ўткир ҳидли, рангсиз, ҳаводан енгил, сувда яхши эрийди ва бўғувчан ҳамда нервотроп таъсирга эга. Аммиак газининг одамлар яшайдиган ҳаводаги мумкин бўлган миқдори 0,04мг.м. куб, газнинг ўлимга олиб келувчи миқдори 1500-2700мг.м.куб га тенг.Суюқ аммиак газини саноатда совитгичларда, совитгич мода сифатида ишлатилади. Аммиак газини металл идишларда САқланади. Аммиакнинг организмга таъсири қуйидагилар: нафас йўллари кичиштиради, мия тўқимаси фаолиятига таъсир кўрсатади, қон қуюлишига сабаб бўлади, хотирани пасайтиради, кўз кўришига таъсири бор.

Иқтисодий объектларида КТЗМларнинг максимал миқдори аммиак учун 5 минг тоннадан кўпроғини, хлор минг тоннани, бошқалари 5 минг тоннани ташкил этади.

Тўкилганда ёки чиқариб ташлашганда ҳавони зарарловчи концентрацияда захарловчи ва одамлар, ҳайвонлар ва ўсимликларни ёппасига ҳалок этадиган КТЗМ лар билан боғлиқ бўлган авариялар кишилар ҳаётига катта хавф туғдиради. Деярли 1100 минг киши яшовчи Олмалиқ, Навоий, Самарқанд, Фарғона ва Чирчиқ шаҳарларида энг мураккаб кимёвий ҳолат

юзга келиши мумкин. Бу вазият барча аҳолини кимёвий заҳарланиш ўчоғидан эвакуация қилишни талаб қилади.

б)КТЗМ ташиётган транспортдаги авария.

Темирйўл ва автомобил транспортида кучли таъсир этувчи заҳарли моддаларли юкларни республика худудида ташиш вақтида авария содир бўлганда, портлаш бўлиши ва уларнинг бошқа агрессив хоссалари намоён бўлиши мумкин. Натижада транспорт воситаси ишдан чиқиши, кишилар ҳалок бўлиши, майиб бўлиши ва заҳарли маҳсулот билан заҳарланиши, шунингдек, ҳудуд анчагина заҳарланиши мумкин.

Кўп миқдорда портлаш ёнғиндан хавфли юклар ва кучли таъсир этувчи заҳарли моддалар ташиладиган Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Фарғона, Наманган, Андижон, Навоий ва Сирдарё вилоятлардаги темирйўл транспортдаги авариялар энг хавфлидир.

Ёнғин–портлаш хавфи мавжуд бўлган объектлардаги авариялар.

Технологик жараёнда портлайдиган, осон ёниб кетадиган ҳамда бошқа ёнғин учун хавфли моддалар ва материаллар ишлатадиган ёки сақланадиган объектлардаги, одамларнинг механик ва термик шикастланишларга, заҳарланишига ва ўлимига, асосий ишлаб чиқариш фонларининг нобуд бўлишига, фавқулодда вазият ҳудудларида ишлаб чиқариш циклининг ва одамлар ҳаёт фаолиятининг бузилишига олиб келадиган авариялар, ёнғинлар ва портлашлардир.

Портлаш – бу қисқа вақтнинг ўзида чегараланган ҳажмдаги, катта миқдордаги қувватнинг ажралиб чиқишидир.

Портлашнинг зарар етказувчи омиллари:

-зарба мавжи;

-синиқ парчаларининг сочилиши.

Булар бирламчи ҳолатлар бўлса, иккиламчиси портлашлар, ёнғинлар, фалокатлар, кимёвий ва радиацион шикастланишлар, кенг тусда тўғонларнинг бузилиши ва сув тошқинларининг содир этилиши, биноларнинг қуллашидир.

Портлаш-суюқликларнинг, портловчи моддаларнинг куч ёки иссиқлик туфайли чиқишидир.

Портлатувчи омиллар:

-кимёвий (портловчи моддалар);

-ядроли (ядровий қуроллар);

-механик услубдаги (юқори босимдаги суюқликларни қуувчи-тарқатувчи идишларнинг ёрилиши);

-электромагнит (учкун разряди, лазер учқуни);

-товушли ва бошқа қувватлар.

Портлаш газларнинг қаттиқ қизиши оқибатида юқори босимда содир бўлади.

Портлаш хавфи бор объект ва маълум шароитларда портлаш имконига эга бўладиган моддалар маҳсулотлар сақланадиган, ишлатиладиган, транспортировка қилинадиган объектлар.

Республика ҳудудида 186 та портлаш ва ёнғиндан хавфли объектлар бор. Улар қаторига нефт-газ сақлагичлар ва магистрал қувур ўтгазгичлар, нефт-газни қайта ишловчи заводлар, компрессор ва насос станциялар, тегирмон, пахта сақлагичлар, портловчи моддалар ва материаллар омборхоналари киради. Кучли портлаш ва ёнғин билан боғлиқ авариялар моддий бойликларнинг бутунлай йўқ бўлишига ёки шикастланишига ва кишилар ҳаётига хавф солишига олиб келади.

Нефт-газни қайта ишловчи “Фарғона синтез”, Муборак газни қайта ишловчи заводи, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи саноат объектларидаги авариялар айниқса хавфлидир. Бундан ташқари, республика аҳолисига хавф туғдирувчи портлашлар ва ёнғинлар портлаш ёнғиндан хавфли моддаларни ташиётган транспортдаги аварияларда ҳам юз бериши мумкин.

Матбуотдаги чоп этилган маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, республикамиз ҳудудида йилига 15-17 дан зиёд портлашлар содир бўлади, асосан портлашлар аҳоли яшайдиган хонадонларда газдан нотўғри фойдаланиш оқибатида содир бўлади, булар хонадонлардаги портлашлар дейилади. Буларнинг асосий келиб чиқиш сабаблари газ билан ишлаш тартиб-қоидаларига риоя қилмасликдир.

Энергетика ва Коммунал тизимлардаги авариялар:

Саноат ва қишлоқ хўжалиги масъул истеъмолчиларнинг авария туфайли энергия таъминотисиз қолишига ҳамда аҳоли фаолиятининг бузилишига олиб келган ГЭС, ГРЭС, ТЭЦлардаги, туман иссиқлик марказларидаги, электр тармоқларидаги ва бошқа энергия таъминоти объектларидаги авариялар ва ёнғинлар;

Аҳоли ҳаёт фаолиятининг бузилишига ва саломатлигига хавф туғилишига олиб келган газ қувурларидаги, сув чиқариш иншоотларидаги, сув қувурларидаги, канализация ва бошқа объектлардаги авариялар.

Одамлар ўлими билан боғлиқ бўлган ва зудлик билан авария қутқарув ишлари ўтказилишини ҳамда зарар кўрганларга шошилиш тиббий ёрдам кўрсатилишини талаб қиладиган мактаблар, касалхоналар, кино-театрлар ва бошқа ижтимоий кўринишдаги объектлар, шунингдек уй-жой сектор бинолари. конструкцияларининг тўсатдан бузилиши, ёнғинлар, газ портлаши ва бошқа ҳодисалар.

Радиоактив ва бошқа хавфли ҳамда экологик жиҳатдан зарарли моддалардан фойдаланиш ёки уларни сақлаш билан боғлиқ авариялар: Санитария–ҳимоя ҳудуди ташқарисига чиқариб ташланиши натижасида пайдо бўлган юқори даражадаги радиоактивлик одамларнинг йўл кўйиладиган кўп миқдорда нурланишини келтириб чиқарган технологик жараёнда радиоактив моддалардан фойдаланадиган объектлардаги авариялар.

Радиоактив моддаларни ташиш вақтидаги авариялар:

Атроф-муҳит ва одамлар саломатлиги учун хавф туғдирувчи радиоактив чиқиндилар тўплагичлардаги, чиқиндихоналардаги ва захарли моддалар кўмиладиган жойлардаги авариялар ўпирилишлар;

Радиоизотонли буюмларнинг йўқотилиши;

Биологик воситаларни ва улардан олинадиган препаратларни тайёрлаш, сақлаш ва ташишни амалга оширувчи илмий ва тадқиқот ва бошқа муассасаларда биологик воситаларнинг атроф муҳитга чиқиб кетишига ёки йўқотилиши билан боғлиқ вазиятлар.

7. Гидротехник ҳалокатлар ва авариялар:

-сув омборларида, дарё ва каналлардаги бузилишлар, баланд тоғлардаги кўллардан сув уриб кетиши натижасида вужудга келган ҳамда сув босган ҳудуд ва қишлоқ хўжалиги объектларни ишининг, аҳоли ҳаёт фаолиятининг бузилишига олиб келган ва шошилиш кўчириш тадбирларини талаб қиладиган ҳалокатли сув босишлари.

Кимёвий муҳофаза-бу КТЗМ ларнинг аҳолига, фуқаро муҳофазаси кучларига ва халқ хўжалиги иншоотларига зарарли таъсири олдини олишга ёки уни имкони бор даражада камайтиришга қаратилаган тадбирлар комплексини тузишдан иборат.

Кутилмаган пайтда ҳудуднинг турли тасодифий ҳодисалар рўй бериши вайронагарчиликка, минглаб инсонларнинг қурбон бўлишига сабаб бўлиши мумкин. Шунинг учун улардан муҳофаза тадбирларини билиш ва уларни кўллаш энг муҳим ва долзарб масала ҳисобланади.

3.2.3. Аралаш тусда келиб чиқадиган фавқулодда вазиятлар ва кўриладиган чоралар.

Фуқаро муҳофазаси тарғиботини ташкил этиш шакллари, усуллари ва воситалари. Фуқаро муҳофазаси тарғиботини ким ташкил этиши ва олиб бориши керак? Бу саволга жавобни Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида” ва “Фуқаро муҳофазаси тўғрисида”ги қонунларидан топиш мумкин. Уларда белгиланишича, аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги билимларни тарғиб этиш давлат органлари, шунингдек одамларни муҳофаза қилишва қутқариш борасидаги тегишли жамоат бирлашмалари томонидан таъминланади. Билимларни тарғиб этиш учун оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 7 октябридаги 427–сонли “Ўзбекистон Республикаси аҳолисини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишга тайёрлаш тартиби тўғрисида”ги қарорининг 4–моддасида бундай дейилган: “Давлат матбуот кўмитаси, “Ўзтелерадио” компанияси, фавқулодда вазиятлар вазирлиги, қизил ярим ой Жамияти марказий кўмитаси, республика давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, бошқа вазирликлар, идоралар, корпорациялар, бирлашмалар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар аҳолини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги билимлар, шу жумладан оммавий ахборот воситаларидан фойдаланган ҳолда, кенг ташвиқот қилинишини таъминласинлар”.

Тушунтириш ишларинининг муҳим томони—унинг мазмуни, аниқлиги, турмуш билан боғлиқлигидир. Бу ишнинг шакли, усуллари ва воситаларининг катта аҳамияти бор.

Тарғибот юқори савияли, тушунарли, таъсирчан бўлиши, унинг шакллари хилма–хил ва ёрқин бўлиши энг аввало тарғиботчи кадрларнинг таркиби, тайёргарлиги қай даражада эканлигига қараб аниқланади.

Тарғиботнинг қандай ахволдалиги табиийки, биринчи галда барча даражадаги фуқаро муҳофазаси бошлиқлари зиммасида бўлади. Фуқаро муҳофазаси ходимлари давлат ва жамоат ташкилотларини, ижодий жамоаларни, турли фондларни жалб қила олсаларгина тарғиботни йўлга қўйиш шунчалик муваффақиятли амалга оширилади.

Фуқаро муҳофазасини тарғиб қилишнинг қуйидаги шакллари мавжуд:

1. Оғзаки тарғибот
2. Оммавий ахборот воситалари (матбуот, телевидение, радио).
3. Кино ва видеофилмлар.
4. Кўргазмалар воситалар (плакат, стенд, фотомонтаж, витрина ва х.к).

Оғзаки тарғибот энг таъсирчан шакллардан бири ҳисобланади. Одамлар билан шахсий мулоқотда бўлишга асосланиб, бундай тарғибот муайян жамоа олдида тўрган фуқаро муҳофазаси вазифаларини, уларни ҳал этиш усулларини одамларга тушунарли далил ва мисоллардан тушунтириш, камчилик ва қийинчиликлар, уларни енгиб ўтиш йўллари ҳақида очиқдан очиқ фикр юритиш имконини беради.

Оғзаки тарғиботда маъруза, суҳбат, савол–жавоб кечалари, фуқаро муҳофазаси фахрийлари ва мутахассислари билан учрашувлардан фойдаланилади.

Тарғибот ишлаётган илмий ва техник атамалари ва тушунчаларни тингловчилар тўғри англашини таъминлайдиган қилиб баён этиши, фикрнинг мантиқийлиги, тушунтирилаётган қоидаларнинг турмуш билан чамбарчас боғлиқлигига ёрқин мисоллар келтириши, статистика маълумотларига таяниши, нутқининг жўшқинлиги ва ҳоказолар тарғибий чиқишларнинг ишончилигини таъминлаб беради. Оғзаки чиқишнинг самарадорлигини оширишда мазмўннинг ҳал қилувчи ва муҳим рол уйнашини таъкидлаш билан бир қаторда, тарғиботчи нутқининг тушунарли ва тўғри бўлиши кераклигини ҳам унутмаслик керак. Тингловчилар одатда содда, жонли тилда баён этилган маъруза, суҳбатни идрок қилиб оладилар.

Айрим табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этишда авария–қутқарув ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишларни ўтказиш усуллари билан танишиб чиқамиз.

Авария–қутқарув ишларининг турлари қуйидагилардан иборат:

-ҳаракат маршрутлари ва иш майдонлари (объектлари)да разведка ишларини олиб бориш;

-ҳаракат маршрутлари ва иш майдонлари (объектлари)даги ёнғинларни чеклаш ва бартараф этиш;

-жабрланганларни қидириб топиш ва уларни вайрон бўлган, зарарланган, ёнаётган бинолардан, сув, газ, тутун босган бино ҳамда вайрона уюмлари орасидан олиб чиқиш;

-жабрланганларга биринчи тиббий ёрдамни кўрсатиш ҳамда уларни шифохоналарга жойлаштириш;

-аҳолини хавфсиз жойларга кўчириш;

-эпидемия юзага келишига йўл қўймаслик мақсадида керакли санитария-гигиена чоралари ва эпидемияга қарши тадбирларни ташкил этиш;

-аҳолини сув, озиқ–овқат ва зарур нарсалар билан таъминлаш.

Кечиктириб бўлмайдиган шошилиш ишларнинг турлари қуйидагилардан иборат:

-вайрона уюмлари орасида ва зарарланган ҳудудларда колонна йўлларни тайёрлаш, яъни пиёдалар ва транспорт воситалари учун йўл очиш;

-қутқариш ишларини олиб бориш учун шароит яратиш мақсадида газ, энергетика, сув, канализация ва технологик тармоқлардаги аварияларни чеклаш;

-иморат ва иншоотларнинг босиб тушиш хавфи бўлган ҳаракат хавфсизлигига ҳамда авария –қутқарув ишларини олиб боришга ҳалақит берадиган конструкцияларини мустаҳкамлаш ёки бузиб ташлаш;

Аҳолини маънавий-сиёсий ва психологик жиҳатдан тайёрлаш.

Маънавий фактор–бу жамият маънавий кучларининг энг актив томони, халқ оммаси маънавий фазилатларининг жамул – жами, одамлар интилаётган, амалга оширишга ҳаракат қилаётган мақсад ва вазифаларни мана шу кишиларнинг излари томонидан англаш, тушуниш даражаси ва бутун кучларини шу ғалаба йилида сарф этиш учун тайёр туришидир.

Маънавий кучлар–бу чуқур социал–синфий тарихан конкрет ҳодисалардир. Барча замонларда ҳам армия билан халқнинг кучлари ижтимоий тўзумга унинг мақсад ва ғояларига, уларнинг ишчилар синфи яқинлик даражасига боғлиқ бўлган.

Фан, техника, тараққиёти, ишнинг самарадорлиги ва сифатини ошириш вазифалари меҳнат куч ғайратларини ақлий – психик жабҳаларга кўчирилиши, одамларнинг ижтимоий онги, социал активлиги ролининг оширилишини талаб қилмоқда.

Меҳнаткашлар онгида энг аввало ёш авлод онгида ватанпарварлик ғояларини чуқур эътиқод ва ҳушёрликни қарор топтириш йўллари, уларни она Ватан ҳимоясига тайёр бўлиб туриш руҳида тарбиялаш йўллари Ўзбекистон Республикаси конун ва қарорларида белгилаб берилган.

Санитария дружиналарининг даволаш профилактика муассасаларида ўтказиладиган машғулоти улар учун зарур бўлган фазилатларни тарбиялашнинг энг таъсирли методларидан бири ҳисобланади, чўнки бундай даволаш муассасаларида санитария дружиналари оғир касаллар билан учрашадилар, уларга ёрдам кўрсатадилар. Санитария дружиналари тиббиёт ходимлари билан биргаликда йўл ҳаракати ҳодисалари ва бошқа бахтсиз

ходисалар юз берган вақтда жароҳатланган, шикастланган кишиларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш учун етиб борадилар (қон кетиш ҳолларида ошқозон қаттиқ шикастланганда, очик ва ёпиқ синишларда, асаб-психик касалликлар хуруж қилган беморларга ёрдам кўрсатадилар ва ҳк.). Булар бари санитария дружиналарининг профессионал малакасини янада кўпроқ мустаҳкамлайди, шу билан бирга психологик жиҳатдан чиникишларига ҳам имконият яратади.

Фуқаролар муҳофазаси бўйича тайёргарлик кўриш—бу бирорта билим соҳасини шўнчаки ўзлаштириб олиш эмас, балки мутлоқо конкрет вазифалар ва усулларни эгаллаб олиш демакдир. Булар шундай вазифа ва усулларки уларни истаган бир дақиқада ҳеч қандай кўшимча тайёргарлик кўрмасдан ҳар бир киши бажаришга тайёр бўлиб турмоғи керак. Фуқаро муҳофазаси бўйича ўтказиладиган дарслар, машқ ва машғулотлар йигит ва қизларда фуқаролик туйғуси ва онгли интизомни шакллантиради, уларни оммавий қирғин қуролларидан ҳимояланиш усул ва воситаларининг пишиқ-пухталигига ишонч руҳида тарбиялайди.

Ўқиш, оммавий-сиёсий ишлар жараёнида фуқаро муҳофазасининг шахсий таркиби ва аҳоли томонидан ҳосил қилинган маънавий-сиёсий ва психологик фазилатлар, табиий офатлар оқибатини тугатиш вақтида яққол намоён бўлади, ривожланади ва мустаҳкамланади.

Руҳий тайёргарлик деганда, шахсий таркибда руҳий барқарорликнинг шаклланиши тушинилади. Бунда шахсий таркибнинг қўйилган вазифаларини бажариш, қийин ва хавфли вазиятларда мардларча, фаол ҳаракат қилиш, ўз-ўзини тутишлик, жасурлик, бардошлик, фидокорлик кўрсатиш қобилиятини оширувчи ҳислатлар намоён бўлиши керак.

Мақсадга киритилган тарбиявий ишлар таъсирида, меҳнат ва жамоатчилик фаолияти давомида, машғулотлар, машқлар, мусобақаларда табиий офатлар ёки турли хил ҳодисалар оқибатида жабрланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатишда Санитария дружиначилар зарурий маънавируҳий ҳислатлар пайдо бўлади.

Кутилмаган мураккаб вазиятлар яратиш йўли билан маънавий руҳий чиникишда кутилмаган натижага эришилади. Зарарланиш ўчоғида жабрланганларнинг саломатлигидан ташқари бошқа нарсалар ҳам унинг тайёргарлик кўрганлиги, маънавий-руҳий чиникқанлигига боғлиқ эканлигига ҳар бир фуқаролар муҳофазаси тушуниб бориши лозим, чўнки улар биринчилар қаторида жабрланганлар билан учрашадилар. Уларга нафақат тиббий ёрдам балки жуда муҳим ва маънавий қувват берадилар. Фввқўлодда вазиятлар зилзила, сув тошқини, ёнғинларда кишиларнинг ўзларини тутишларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, уларнинг ҳаммалари ҳам юзберган ҳодисага бир хил мўносабатда бўлмайдилар. Уларнинг кўпчилиги, ўзига хос танглик ҳолатида бўлсалар ҳам, ҳар ҳолда хотиржам қоладилар. Баъзи бир кишиларда эса нохуш реакция пайдо бўлади ёки Тўла бепарқ бўлиб, мақсадга кўра ҳаракат қила олмай қоладилар. Тиббий тузилмаларнинг

шахсий таркиби аҳолининг турли гуруҳлари ҳаракатдаги шундай ҳолларга агар тўғри қарашга тайёр бўлишлари лозим.

Офат зонасидаги қутқарув ишлари кундузи ҳам, кечаси ҳам ҳар қандай об-ҳаво шароитида ўтказилаверади. Улар санитария дружина, санитария постлар шахсий таркибининг жисмоний тайёргарлигига катта талаблар қўяди. Жисмоний чидамлик руҳий барқарорликнинг энг муҳим компонентларидан биридир. Шахсий таркибни спорт сексияларига жалб қилиш туристик походлар ва экскурсиялар ташкил қилиш спортга қизиқувчиларни рағбатлантириш йўли билан жисмоний чекинишга эришилади.

Тиббий тузилмалар шахсий таркиби учун маънавий-руҳий ҳислатлари ва тайёргарликларининг оширишдаги синовчи жиддий имтиҳон таббий офатлар ва ишлаб чиқаришдаги авариялар жойлари ҳисобланади. Кўп кунли оғир ишларда командир ва унинг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ўринбосарнинг асосий вазифаларидан бири қўл остидагиларнинг эҳтиёжи ва сўровларини ўз вақтида қаноатлантириш, овқатланиш ва дам олишни ташкил қилиш масалалари бўлиб қолади.

Машқларга тайёрланиш ва уларни ўтказиш даврида тарбиявий ишларнинг асосий вазифалари қуйидагилар:

1) шахсий таркибда юқори маънавий ҳолатни ва хушёрликни, уюшганлик ва тартибни, уларга топширилган вазифаларни бажаришга доим тайёргарликни сақлаш;

2) шахсий таркибда командир ва бошлиқларнинг буйруқларини аниқ ва ўз вақтида сўзсиз бажарилишини тарбиялаш;

3) тузилмаларнинг офатлар зонасига тез, уюшган ҳолда ва ўз вақтида етиб боришини таъминлаш;

4) ҳудуднинг мумкин бўлган кимёвий, радиоактив ва бошқача зарарланиш ва ялпи ёнғинлар шароитларида жабрланганларни қидириб топиш, уларга ўз вақтида биринчи тиббий ёрдам кўрсатишда жасурлик билан, ташаббускорлик ва усталлик билан ҳаракат қилишга сандружиначи аёлларни тайёрлаш;

5) умумий вазифаларни биргаликда бажаришда фавқулодда вазият давлат тизимининг бошқа тузилмаларининг шахсий таркиби билан ҳамкорликни ривожлантириш.

Тарбиявий ишлар доимий ҳолатда олиб борилади ва вазият қанчалик мураккаб бўлса, шунчалик фаолроқ олиб борилади. Тажрибанинг кўрсатишича, командир ўринбосари машққа тайёрланишда ёки қутқарув ишларидаги ўзининг иштирокини олинган топшириқни аниқлаштириш ва тадбирларнинг қисқача режасини тузишдан бошлайди. Суҳбатлар ўтказиш йўли билан, у командир билан биргаликда, шахсий таркибга мақсад ва вазифаларни, машқларни муваффақиятли ўтказишда (қутқарув ишларида) унинг ролини тушинтириб беради.

Тузилмалар раҳбарларнинг ўқишдаги ва амалий вазифаларни бажаришдаги натижаларни баҳолашга талабчанлик ва ҳаққонийлик билан

ёндашишлари фаоллик, принципиаллик ва меҳнатсеварликни оширишга катта таъсир кўрсатади. Кишиларни бўшаштирмасдан, тиришқоқликка, янги имкониятларни излашга ҳаракатни ривожлантирадиган баҳолаш энг ҳаққоний ва ўринлидир. Бунда машғулотлар, машқлар, мусобақалар, қутқарув ишлари натижаларини жамоада муҳокама қилиш, ўрнатилган бўлганларни маънавий ва моддий рағбатлантириш, сан.дружиналарнинг шахсий ҳислатларини ҳар томонлама билиш, улар билан якка-якка иш олиб бориш яхши ёрдам беради.

3. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БЎЙИЧА КЎРСАТМА ВА ТАВСИЯЛАР

3.1. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ НАМУНАЛАРИ

1-машғулот.

Мавзу номи: Ўта захарли кимёвий модда тўкилишидан муҳофазаланиш.

Машғулот тури: гуруҳли (4-5 талаба).

Мақсади: Ишлаб чиқариш ва тумуш шароитида ўта захарли кимёвий моддадан муҳофазаланишни йўллари билиш.

Вақти: (академик 2 соат).

Берилган вазифа: Аммиак ёки хлор моддаси тўкилиши натижасида (турмуш шароитида симоб ёки уксус кислотаси бўлиши мумкин) юзага келган ҳолатдан шкастланишни олдини олиш.

Ечимни топиш усуллари: Ўта захарли кимёвий моддаларнинг физик хоссаларини, миқдорини, сақлаш усуллари ва уларга қўйилган талабларни билиш.

Турган жойни аниқлаш, об-ҳаво шароитини баҳолаш, шамолнинг йўналиши ва тезлигини аниқлаш (чизма кўринишида белгилаш).

Ўта захарли кимёвий моддалардан муҳофазаловчи газ ниқобларнинг турларини, сақланадиган жойларини ва зудлик билан кийиш йўллари билиш (ишлаб чиқариш корхонасида).

Турар жой шароитида ўта хавфли захарли модда жойлашган объект тўғрисида маълумот олиш (муз қаймоқ цехи, гушт-сут маҳсулотлари комбинати, йирик озиқ – овқат омборлари ва х.).

Хоналардаги эшик ва ромларни зич ёпиш (нохуш ҳолат ташқарида содир бўлса), ичкаридаги ҳолатда хонани шамоллатиш. Симоб парчаларини охириги томчисигача тозалаб олиш.

Ўта захарли кимёвий модда (аммиак ва хлор) турига қараб бинонинг томи ёки ер тўласида муҳофазаланиш чорасини кўриш.

Қабул қилинган қарор: Хавфли зонадан чиқиш учун шамолга перпендикуляр ҳолатда ҳаракат қилиш, нафас олиш органларини нам мато билан тўсиш (газ ниқоб бўлмаганда).

Ишлаб чиқариш корхонасида огоҳлантириш сигналини эшитгандан сўнг хонани зудлик билан тарк этиш ва кўрсатма бўйича ҳаракат қилиш.

Зарурият туғулганда СЭС ходимларига қўнғироқ қилиш ва вазиятни тушунтириш (симоб тўкилганда).

Натижа: Ҳар бир гуруҳ етакчиси умумий фикрни билдиради ва гуруҳ аъзолари шахсий фикрлари билан жавобни тўлдирадilar. Ҳар бир гуруҳ аъзоси қисқа ўз фикрини билдиришга имкон берилиши шарт ва умумий баҳо эълон қилинади.

Ёзма ҳолатдаги жавоблар, чизма ва бошқа ечимлар раҳбар томонидан йиғиб олинади ва умумий камчиликлар айтиб ўтилади.

2-машғулот.

Мавзу номи: *Шахсий муҳофаза воситалари ва улардан фойдаланиш.*

Машғулот тури: гуруҳли (8-10 талаба).

Мақсади: Шахсий муҳофаза воситаларининг турлари, уй шароитидаги шахсий муҳофаза воситасини яшаш ва ундан фойдаланишни билиш.

Вақти: 2 соат (академик).

Берилган вазифа: Ишлаб чиқариш корхоналаридаги шахсий муҳофаза воситаларининг турлари, сақлаш жойлари, муддати ва ишлатиш тартиблари. Уй шароитида доқа пахтали газ ниқоби яшаш йўлларини ўргатиш.

Ечимни топиш усуллари: Ишлаб чиқариш корхонаси турига мувофиқ мавжуд бўлган шахсий муҳофаза воситаларидан чегараловчи костюмлар (пневмокостюмлар, нам ўтказмайдиган костюмлар, скафандрлар), нафас олиш органларини муҳофаза қилувчи воситалар (газниқоб, респираторлар, хаво шлемлари), коржомалар (комбинезон, кўртка, шим, халат, плаш, фартук, нимчалар), махсус пойабзал (этик, ботинка, кўнжли ботинка, туфли, калиш), кўлларни муҳофаза қилиш воситалари (турли кўлқоплар), юзни муҳофаза қилиш воситалари (ниқоблар), кўзни муҳофаза қилиш воситалари (муҳофаза кўзойнақлари), эшитиш органларини муҳофаза қилиш воситалари, эҳтиёт мосламалари (хавфсизлик белбоғлари, кўл чангақлари, асбоб ускуналар), муҳофазаловчи дерматологик воситалар (паста, крем, мойлар) хусусиятларини билиш ва қандай шароитларда улардан фойдаланишни, уй шароитида доқа пахтали газ ниқобни яшашни ва фойдаланишни ўргатиш (чизма шаклида).

Қабул қилинган қарор: Ишлаб чиқариш корхонасида технологик жараён ва ишлатиладиган хом ашёнинг турига мувофиқ юқорида қайд этилган шахсий муҳофаза воситалари ишлатилади. Шахсий муҳофаза воситаларининг ҳар бирига изоҳ берилиб қўлланилиш соҳалари айтиб ўтилади.

Уй шароитида доқа пахтали ниқобни тайёрлаш (катталар ва болалар учун ҳам) чизмаси тавсия этилади. Нафас олиш органларига доқа пахтали ниқобни тақиш усуллари ўргатилади. Доқа пахтали ниқобни сақлаш, ишлатиш ва фойдаланилгандан сўнг йўқ қилиш йўллари ўргатилади.

Натижа: Ҳар бир гуруҳ етакчиси умумий фикрни билдиради ва гуруҳ аъзолари шахсий фикрлари билан жавобни тўлдирадilar. Ҳар бир гуруҳ аъзоси қисқа ўз фикрини билдиришга имкон берилиши шарт ва умумий баҳо эълон қилинади.

Ёзма ҳолатдаги жавоблар, чизма ва бошқа ечимлар раҳбар томонидан йиғиб олинади ва умумий камчиликлар айтиб ўтилади.

3 - машғулот.

Мавзу номи: Фавқулодда вазиятлар чайнвордини ечиш.

Машғулот тури: Амалий, ҳар бир талаба мустақил бажаради.

Мақсади: Табиий ва техноген хусусиятдаги фавқулодда вазиятлар бўйича ўтилган назарий билимларни мустаҳкамлаш, эслаш қобилиятини кучайтириш.

Вақти: 2 соат (1 соат ёзма, 1 соат оғзаки).

Берилган вазифа: Иккита бир хил квадратлар тўрига ҳарфлар аралаш жойлаштирилади (чайнворд сифатида). Биринчи тўрда табиий ва техноген хусусиятдаги фавқулодда вазиятларнинг турлари иккинчи тўрда шу вазиятларнинг оқибатларини билдирувчи сўзлар турли йўналишда аралаш берилди (масалан зилзила – бино бузилиши, инфекция – касаллик, автохалокат – жароҳат ва ҳ.к.).

Ечимни топиш усуллари: Берилган квадратлар тўридаги ҳарфларни жойлашиши бўйича турли йўналишларда таққослаб кўриб, табиий ва техноген хусусиятдаги фавқулодда вазиятларнинг яширинган номлари топилади ва алоҳида варақда қайд қилинади. Бунинг учун ўтилган мавзулар бўйича хотрани фаол ишлатилади. Иккинчи квадратлар тўридаги яширинган сўзлар топилади ва қайд қилинади. Ҳар иккала квадратлар тўридаги барча сўзлар топилгандан сўнг уларни бир бирига нисбатан таққосланади ва қайси вазиятга унинг оқибати тўғри келиши аниқланади (худди чайнворд ечган каби).

Қабул қилинган қарор: Ҳар иккала квадратлар тўридаги топилган сўзларнинг маъноси, келиб чиқиш сабаби, географик тарқалиши ва етказилган оқибатларининг мазмуни қисқача баён этилади. Топилган сўзлар кетмакетлиги тартибга келтирилади. Биринчи устунда табиий хусусиятдаги фавқулодда вазиятлар ва уларнинг оқибати, иккинчи устунда техноген хусусиятдаги фавқулоддавазиятлар ва уларнинг оқибатлари ўрин олган таснифи яратилади.

Натижа: Гуруҳ талабалари шартли равишда икки гуруҳга бўлинади. Биринчи гуруҳдан бир талаба фавқулодда вазият номини (квадратлар тўридан топилган) айтади, иккинчи гуруҳдан бир талаба мазкур сўзнинг моҳиятини очиб беради. Иккинчи гуруҳдан бир талаба фавқулодда вазият оқибати келтирган жараённи айтади, биринчи гуруҳдаги бир талаба мазкур жараёнга изоҳ беради. Шундай тартибда барча сўзларга изоҳ берилди.

Ёзма ҳолатдаги жавоблар, чизма ва бошқа ечимлар раҳбар томонидан йиғиб олинади ва умумий камчиликлар айтиб ўтилади.

4 – машғулот.

Мавзу номи: Хавфсизлик дарахтини чизиш.

Машғулот тури: Амалий, талабалар кичик – кичик гуруҳларга ажратилган ҳолда жалб этилади.

Мақсади: Хавфларнинг келиб чиқиши, тарқалиши, шкастловчи омиллари ва муҳофазаланиш тадбирларини ақс этган ривожланиш чизмасини яратиш, назарий билимларни мустаҳкамлаш.

Вақти: 2 соат (академик)

Берилган вазифа: Шартли равишда ишлаб чиқариш корхонаси, табиат қўйни (қўчки ёки сел келиши), уй шароити (ер қимирлаш) ёки оддий дам олиш маскани (сув босиши) мисолида вазифанинг объекти белгиланади (турли гуруҳларга алоҳида). Мазкур объектда эҳтимоли мавжуд бўлган хавф нўқталари берилади.

Ечимни топиш усуллари: Шу объект атрофида, технологик жараёнда, уй жихозларида ва бошқа ҳолатларда юзага келиши мумкин бўлган хавфлар занжири ва уларнинг шкастловчи омиллари аниқланади. Асосий хавф белгиланади. Масалан, табиат қўйнида об-ҳавонинг кескин ўзгариши натижасида сел келиш эҳтимоли бор. Асосий хавф сел, у нималарга олиб келиши мумкин: кучли сув оқими, бузиш, сув босиш, оқизиб кетиш. Шкастловчи омиллари: озиқ – овқатни бузилиши, сувда одамни оқизиб кетиши, чўкиш, сел оқимидаги қаттиқ жинслага урилиш натижасида шкастланиш ва ҳ.к.

Уй шароитида ер қимирлаш натижасида, уйнинг (хонанинг) хавфсиз бурчакларини топиш, жойлашиш тебранишни ўтказиб юбориш (юқори қаватдагилар учун), зудлик билан хонани тарк этиш (пастки қаватдагилар учун).

Қабул қилинган қарор: Шартли равишда белгиланган объектдаги хавфларни ўрганиш, ҳаракат йўналишини белгилаш ва хавфсизлик тадбирларини ўтказиш. Масалан қўчки ёки сел ҳолатида жойни зудлик билан тарк этиш. Сув босганда сув сатҳи етмайдиган жойга ҳаракат қилиш, озиқ – овқат ва керакли ҳужжатларни сув таъсиридан озод этиш. Сув домига тушиб қолинганда секин – аста сувдаги қаттиқ жинсларга урилиб кетмасдан хавфсиз жойга чиқиб олиш, сувда қолган озиқ – овқатни истеъмол қилмаслик ва ҳ.к.

Натижа: Ҳар бир гуруҳ етакчиси умумий фикрни билдиради ва гуруҳ аъзолари шахсий фикрлари билан жавобни тўлдирадилар. Ҳар бир гуруҳ аъзоси қисқа ўз фикрини билдиришга имкон берилиши шарт ва умумий баҳо эълон қилинади.

Ёзма ҳолатдаги жавоблар, чизма ва бошқа ечимлар раҳбар томонидан йиғиб олинади ва умумий камчиликлар айтиб ўтилади.

1- қисм

ҲФХ: НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

*Ҳавфсизлик – бу бехатар яшаш
даражаси демакдир*



ЎзР Президенти Ислом Каримов хавфсизлик ҳақида

“Хавфсизликка таҳдид
солиб турган муаммоларга
нимани қарши қўя
оламиз?”



“Энг мураккаб
саволлардан бири шуки,
биздаги барқарорлик ва
хавфсизлик йўлида
таҳдид бўлиб турган
муаммоларни англаб
етаяпмизми?”

“Хавфсизликни қандай
сақлаб қолиш мумкин?”



Ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлаш зарурати



- Технотизимлар дорасининг кенгайиши ва уларга инсон фаолияти босимининг ортиши
- Фавқулудда вазиятларнинг кўпайиши
- Глобал миқёсда иқлим ўзгариши
- Ичимлик сувининг етиш-маслиги

- Озиқ-овқат маҳсулот-ларининг сифат даражасининг камайиши
- Биологик хилма-хилликнинг йўқолиб бориши
- Чиқиндилар муаммоси
- Янги турдаги оммавий касалликларнинг тез сурат-ларда тарқалиши
- Чўлланш жараёнининг “юмшоқ



- Минтақавий мажора-ларнинг майдон ва макон бўйича кенгайиши
- Ҳаво, темир йўл ва бошқа транспорт ҳалокатларининг ортиб бориши
- Демографик муаммо-ларнинг янги шакл ҳамда турларининг

МОДУЛНИНГ МАҚСАДИ ВА КУТИЛАЁТГАН НАТИЖАЛАР

Модулнинг мақсади – тингловчиларнинг ташкилий-бошқарув, ижтимоий ва касбий-педагогик фаолиятларини замон талабига мослаштириш учун уларга ҲФХга оид **қўшимча** билим, кўникма ва малака бериш.

“Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги” модулини ўзлаштириш жараёнида тингловчи:

- ҲФХга оид замонавий илмий-назарий ва амалий асосларни **билиши**;
- ҲФХни таъминлаш **кўникмаларига эга бўлиши**;
- олган билим ва кўникмаларни жамоага етказиш, уни ташвиқот ва тарғибот қилиш **малакасини эгаллаши позим**.


“Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги”: МУАММОЛАР

- ҲФХ ўқув курсининг номи, мазмуни ва моҳиятининг аниқланмаганлиги;
- ҲФХ мустақил фан сифатида шаклланмаганлиги, яъни умумэътироф этилган илмий-назарий асосининг йўқлиги;
- ҲФХ оид таълим соҳасининг тўлиқ йўлга қўйилмаганлиги;
- ҲФХ кадрлар тайёрлаш масаласининг хал этилмаганлиги;
- ҲФХ ҳуқуқий-норматив асосининг шаклланмаганлиги;
- ҲФХ амалиётининг нималардан иборат эканлиги, кўрсаткичлари, даражалари ва оптималлаштириш йўлларини тўлиқ ишлаб чиқилмаганлиги ва ҳ.к.

“Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги”: МУАММОЛАР ЕЧИМИ

- Глобал, регионал ва миллий миқёсда ҲФХ оид сиёсатни шакллантириш ва ҳуқуқий-норматив асосларини яратиш;
- Ўзбекистонда ҲФХ таъминлаш концепцияси, тактик ва стратегик режаларни ишлаб чиқиш ҳамда моддий ва молиявий имкониятларни барпо этиш;
- Приоритет фан тамойилларини аниқлаш, фундаментал, амалий ва инновацион илмий тадқиқот ишларни олиб бориш;
- Тизимлашган (иерархик поғонага жойлаштирилган), регионаллашган (реал табиий ва ижтимоий шароитдан келиб чиқувчи) ва ихтисослашган (мутахассисликка қараб мослаштирилган) ДТС, ўқув режа ва таълим дастурларини яратиш;
- Анъанавий ва ноанъанавий таълимни йўлга қўйиш;
- Шу соҳага комплекс (ҳар томонлама) ёндаша оладиган кадрларни тайёрлаш, раҳбар ходимларни ва педагогларни малакасини ошириш, турдош соҳадаги кадрларни қайта тайёрлашни йўлга қўйиш;
- Махсус жиҳозланган полигон, хона, аудитория ва лабораторияларни ташкил этиш ва ўқув машғулотларни олиб бориш ва ҳ.к.

Ҳаёт, фаолият, хавфсизлик тушунчалари



ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ тушунчаси

Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги (ҲФХ): 1. **Кенг маънода** – муайян технотизимларда кишиларнинг барқарор ривожланган яшаш тарзининг хавфлилик даражасини тадқиқ қилувчи фан соҳаси, унга оид билим, кўникма ва малакаларни (компетенцияларни) берувчи таълим йўналиши, ушбу даражани таъминловчи амалиёт тармоғи.

2. **Тор маънода** – муайян технотизимларда кишиларнинг барқарор ривожланган яшаш тарзининг хавфсизлик даражаси.

ҲФХ ҳам айнан кишилик жамиятининг экологик хавфсиз, иқтисодий таъминланган, ижтимоий муҳофазаланган ва барқарор бирлашган муносиб ҳаёт тарзини таъминловчи жараённинг бир бўлаги.

Хавфсиз яшаш даражаси – организмлар, жумладан инсонларнинг муайян технотизимларда нормал ҳолатда кўпайиши, ўсиши ва ривожланиши учун тоза, соғлом ва қулай атроф-муҳит ҳолати.

ҲФХ фанининг мазмуни

Ҳар бир фан соҳаси ёки фанлар тизими мустақил равишда умумэтироф этилиши ёки амалда қўлланиши учун унинг ўзига хос изланиш ёки тадқиқот:

- долзарблиги (замон талаби),
- миллий ва халқаро тажриба (ижобий ва салбий натижалар),
- муаммолари (ечилмаган масалалари),
- тушунчаси (нима ҳақида),
- мақсади ва вазифалари
- тарихи (қелиб чиқиши),
- ҳолати (қандай ютуқларга эгалиги)
- прогнози (қелажак истиқболлари),
- концепцияси (ғоялар тизими),
- объекти (нимани ўрганиши керак),
- предмети (объектининг қайси қандай жиҳатларини),
- принциплари (қандай йўналтирувчи қоидаларга риоя этиш лозим),
- методологияси (қандай қилиб) ва методлари (нималар асосида),
- баҳолаш, экспертизалаш, назоратлаш, мониторинглаш ва кадрлаш йўллари,
- таъсир этувчи омиллари (белгилувчи ички ва ташқи кучлар),
- районлаштириш (типологик ва регионаллик хусусиятлари)
- хавфсизлик кўрсаткичлари (нималарни ҳисобга олиш даркорлиги),
- таваккалчилиги (қай даражада бўлиши),
- оптималлаштириш йўллари (энг қулай даражасини таъминлаш самарадорлиги),
- фанлар тизими (қандай фанларни қамраб олиши),
- фанлар ўртасида тутган ўрни (умумий ва хусусий томонлари),
- ҳуқуқий таъминланиши (норматив асослари),
- бошқаруви (ижтимоий муносабатларни тартибга солиниши),
- барқарор риволаниши (иқтисодий, ижтимоий, экологик ва институционал комплекслиги)
- амалиёти (олинган натижаларни тадқиқ этиш имкониятлари),
- таълим ва тарбия (кишиларнинг оғи ва малакасини кўтариш) ва Ҳ

ҲФХ ФАНИНИНГ ТАДҚИҚОТ ОБЪЕКТИ

- Деярли барча ўқув адабиётларда **ҲФХнинг объекти– техносфера**, яъни инсонларнинг ҳаётий фаолият юритиш ёки ишлаб чиқариш (меҳнат қилиш) муҳити, деб юритилади.

Лекин, инсон нафақат ишлаб чиқариш ёки меҳнат фаолияти билан ҳаёт кечиради. Унинг аксарият вақти дам олиш, оилавий ташвишлар билан бўлиш, даволаниш, йўлда юриш, ўқиш, малакасини ошириш каби фаолият турига оид муҳитларда кечади. Бунда ҳам унинг фаолият хавфсизлигини таъминлаш зарур.

Техносфера - ўтмишда биосферага таалукли бўлган, кейинчалик инсонларнинг ўзининг моддий ва ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжларини янада яхшилаш мақсадида тўғридан тўғри ёки сиртдан техник воситалар билан таъсир этган ҳудуддир.

БухДУ, ТошДПУ ва ТошДТУ ҲФХ УМдаги таъриф

Аслида, Техносфера (грек тилида “technē” – санъат, маҳорат, “sphaira – шар, тўғрироғи қобик) – кишилиқ жамиятининг Ер планетасида тарихан қарор топган ўз санъати ва маҳоратини намоён қилиши мумкин бўлган ишлаб чиқариш фаолияти муҳити.

- Лекин у глобал миқёсдаги муҳит. Биз Сизлар билан ушбу муҳитнинг кичик бир бўлаклари хавфсизлигини таъминлашимизга тўғри келади. Ушбу кичик муҳитлар қандай таснифланади ёки қисмларга ажратилади?

“ТЕХНОСФЕРА”НИНГ ТАСНИФЛАНИШИ

“Классификация” ёки ўзбекчада “таснифлаш” терминининг ўзаги лотинчадаги “класс” – бўғинлаш, разрядлаш деган сўзлар маъносига яқинроқ келиб, у нарса ёки ҳодисаларни муайян бир кўрсаткичларига қараб бўғинлаш (тўғрироғи, қисмларга ажратиш ва тизимлаштириш – А.Н.), деган маънони англатади.

Класс. Классификация. Краткий словарь иностранных слов. – М.: Гос.изд иностр. и нац. словарей, 1952. С. 179; А.Нигматов. Табiiй географик фанларнинг назарий асослари. Монография.-Т.:“Fan va texnologiya”, 2010.;

“Классификатор олим” Д.Л.Арманднинг (1975) фикрига қўшилган тарзда техносферани таснифлашда:

- фалсафанинг фанлар методологиясига қўйиладиган талабларга жавоб бера олиши;
- муайян бир мақсадга йўналтирилганлиги;
- илмий ва амалий аҳамият касб этиши;
- ажратилган гуруҳларнинг қайтармаслиги;
- гуруҳларни номланиши оддий ва раvon кўринишда ифода этилиши;
- методик жиҳатдан уни тадқиқ қилиш имкониятига эга бўлишлик каби ҲФХни таснифлашда ҳаракат қиламиз.

ТЕХНОСФЕРАНИНГ ТАСНИФЛАНИШИ



Техносферанинг таснифланиши – инсон ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлаш нуқтаи назардан уни қисмларга ажратиш ва иерархик поғонага жойлаштириш.

Технотизим – инсонларнинг муайян ҳаёт фаолияти муҳити

Технотизим ўлчами – инсон ҳаёт фаолияти хавфсизлиги таъминлаш зарур бўлган коинот кенгликлари, ер майдони, сув акваторияси, ҳаво ва ер ости кенглигидаги жой.

Педосферадаги макротехнотизимларни майдон ва макон кўрсаткичларига қараб таснифлаш тажрибаси

Меготехнотизим (Техносфера)							
Макротехнотизимлар		Мезотехнотизимлар		Микротехнотизимлар		Минитехнотизимлар	
типи	тури	типи	тури	типи	тури	типи	тури
П Е Д О С Ф Е Р А	Т У П Р О Қ Ю З А С С И	М И Н Т А Қ А Л А Р	Д А В Л А Т Л А Р	В И Л О Я Т, Т У М А Н ва К А Т Т А Ш А Р Л А Р	А х о л и я ш а й д и г а н п у н к т л а р ва з о н а л а р	Муассасалар ва уларнинг бино ҳамда худудлари	Дам олиш хонаси
							Овқатланиш хонаси
							Ўйин хонаси ва х.к.
							Спорт зал
							Физика хонаси
							Кимё хонаси
							Кутубхона ва х.к.
							Устахона
							Амалиёт цехи
							Лаборатория ва х.к.
							Дала амалиёти ўтадиган хоналар
							Ресурс маркази
							Илмий тадқиқот хонаси ва х.к.
							Бошқарув ва унга хизмат қилувчи хоналар
							Корхоналар ва уларнинг бино ва худудлари
Дам олиш ва хордиқ чиқариш хоналари							
Лаборатория, синов жойлари ва х.к.							
Ташкилотлар ва уларнинг бино ва худудлари	Конструкцилик хоналари						
	Тажриба-синов хоналари						
	Дам олиш ва хордиқ чиқариш хоналари						
	Компьютер, аналитик хоналар ва х.к.						

ҲФХНИНГ ТАДҚИҚОТ ПРЕДМЕТИ

Технотизимлар хавфсизлиги		
Кўрсаткичлари	Даражаси	Оптималлаштириш йўллари
Санитар – гигиеник ҳолат
Иқлим шароити
Ёруғлик билан таъминланиши
Шовқинлиги
Энергетик хавфсизлик
Ахборот-коммуникацион хавфсизлик
Ижтимоий-психологик хавфсизлик
Сиёсий хавфсизлик

ЛЕКИН, ҲФХ тадқиқот предмети...

ҲФХнинг тадқиқот предмети бизнингча ХАВФСИЗЛИКНИНГ:

- МАЪНАВИЙ жиҳатларини**, яъни инсонларга мавқуравий, ғоявий ва информацион хуружлар.
И.Каримов “Юксак маънавият энгилмас куч. -Т., 2008. 13 – 14-б.
- МАЪРИФИЙ жиҳатларини**, яъни инсонларнинг илмий ва ижодий фаолият устиворлигига қилинадиган хуружлар.
- ТЕРРОРИСТИК ВА ДИНИЙ АҚИДАПАРАСТЛИК жиҳатларини**, яъни инсонларни кўрқитиш ва кўр кўрона “ёлғон” диний ғояларга эргаштириш.
И.Каримов. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак.Т., 2002. 62 б.
- ЭКОЛОГИК жиҳатларини**, яъни экотизимларни барқарорлиги ёки транчегаравий муаммолар.
И.Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6 жилд.Т. 1998. 39 б.
- ХАРБИЙ ВА ҚУРОЛЛИЙ МУЖОРОВИЙ жиҳатларини**, яъни харбий ҳаракатлар ва қурол тўқнашувлар.
И.Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6 жилд.Т. 1998. 39 б.
- СИЁСИЙ жиҳатларини**, яъни миллий барқарорлик сиёсатига қарши қаратилган хуружлар.
И.Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6 жилд.Т. 1998. 39 б.

ВА ШУ КАБИ ЖИҲАТЛАРИНИ ҲАМ ҚАМРАБ ОЛИШИ КЕРАК !!!!

ҲФХ ҚИСМЛАРИ ва КЎРСАТГИЧЛАРИ

ҲФХни белгиловчи қисмлар ва кўрсаткичлар		
<i>Меҳнат фаолияти хавфсизлиги</i>	<i>Фуқаролар хавфсизлиги</i>	<i>Феқулодда вазиятлар хавфсизлиги</i>
Санитар – гигиеник	Йўл ҳаракати	Зилзила
Иқлимий	Дам олиш	Вулқон отилиши
Ёруғлик	Даволаниш	Сув тошқини
Шовқинлик	Овқатланиш	Ёнғин
Энергетик	Диний-экстремистик	Кучли шамол эсиши
Ахборот-коммуникацион	Туристик	Қор кўчиши
Ёнғин	Ижтимоий-сиёсий	Сел кетиши
Ижтимоий-психологик	Иқтисодий	Ўпқон ва карст жараёнлари
Сиёсий	Гуманитар	Метеоритлар тушиши
Маърифий-маънавий	Террористик	Аномал иқлим шароитининг юзага келиши
Ишлаб чиқариш	Маънавий-маърифий	Ядровий
Экологик ва ҳ.к.	Экологик ва ҳ.к.	Экологик ва ҳ.к.

ҲФХни таъминлашда бошқарув зарурати

ҲФХни таъминлашда бошқарув функциялари тизими

ҲФХга оид муносабатларни аниқлаш
ҲФХ сиёсатини белгилаш
ҲФХни таъминлашнинг ҳуқуқий асосини шакллантириш
ҲФХни таъминлаш механизмни яратиш
Глобал, регионал,локал миқёсида ҲФХ ҳамкорликни
ҲФХни объектларини рўйхатга олиш ва кадастрини яратиш
ҲФХни субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини
ҲФХ мониторингини олиб бориш
ҲФХ назоратини йўлга қўйиш
ҲФХ экспертиза қилиб бориш
ҲФХ рағбатлантириш ва жавобгарликни йўлга қўйиш

ҲФХнинг хавфлилик даражаси

ҲФХнинг хавфлилик даражаси – технотизимларни инсон ҳаёт фаолияти учун қулайлик ҳолати.

Ушбу қулайлик ҳолати одатда 4 даражада баҳоланилади: **комфорт, хавфсиз, хавли, фожиали, хавfli.**

Комфорт – технотизимлар ҳолати инсон ҳаёт фаолияти учун энг қулай шароит.

Хавфсиз – технотизимлар ҳолати инсон фаолияти учун салбий оқибатларни олиб келмайдиган шароит

Хавfli – технотизимлар ҳолатининг давомийлиги инсон фаолияти учун салбий оқибатларни олиб келадиган шароит

Фожиали – технотизимлар ҳолати қисқа муддатда инсон фаолияти учун оғир оқибатларни олиб келадиган шароит.

Технотизимларга ҲФХга таъсир этувчи омиллар

Келиб чиқишига қараб ҲФХ омиллари табиий, антропоген ва аралаш турдаги омилларга ажратилади.

ҲФХ омиллари – технотизимларда ҳаёт фаолияти хавфсизлигига таъсир этувчи ички ва ташқи табиий, антропоген ва аралаш турдаги кучлар.

ҲФХнинг ички омиллари – технотизимларда юзага келадиган ва ҳаёт фаолияти хавфсизлигига таъсир этувчи табиий, антропоген ва аралаш турдаги кучлар.

ҲФХнинг ташқи омиллари – технотизимлардан ташқарида юзага келадиган ва ҳаёт фаолияти хавфсизлигига таъсир этувчи табиий, антропоген ва аралаш турдаги кучлар.

Ички ижтимоий-психологик омиллар

ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК САЛБИЙ ОМИЛЛАР



2 – қИСМ

ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ва ҲФХ

Фавқулодда вазиятлар (ФВ): асосий тушунчалар

- **Фавқулодда вазият:** 1. Одамлар қурбон бўлишига, уларнинг соғлиғи ёки атроф табиий муҳитга зарар етишига, жиддий моддий талафотлар келтириб чиқаришга ҳамда одамларнинг ҳаёт фаолияти шароити издан чиқишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган авария, ҳалокат, хавфли табиий ҳодиса, табиий ёки бошқа офат натижасида муайян ҳудудда юзага келган ҳолат.

Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонуни. 1999 й. 20 август. 2-модда.

- 2. Кўзда тутилмаган ҳолатда юзага келадиган ва организмлар, жумладан инсонларнинг ҳаёт фаолияти хавфсизлигига жиддий зарар етказувчи табиий, антропоген ёки аралаш турдаги ҳолатлар.

Низаматов А.Н., 2015

- **Аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш:** 1. Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш чоралари, усуллари, воситалари тизими, саъи-ҳаракатлари мажмуи.

Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонуни. 1999 й. 20 август. 2-модда.

- 2. Фавқулодда вазиятлардан организмлар, жумладан инсонларни жиддий зарар кўришини олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар тизими.

Низаматов А.Н., 2015

Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш: 1. Фавқулодда вазиятлар рўй берганда ўтказиладиган ҳамда одамларнинг ҳаётини асраб қолиш ва соғлиғини сақлашга, атроф табиий муҳитга етказиладиган зарар ва моддий талафотлар миқдорини камайтиришга, шунингдек фавқулодда вазиятлар рўй берган зоналарнинг кенгайишига йўл қўймасликка ҳамда хавфли омиллар таъсирини тугатишга қаратилган қутқарув ишлари ва кечиктириб бўлмайдиган ишлар комплекси.

Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонуни. 1999 й. 20 август. 2-модда.

- 2. Фавқулодда вазиятлар содир бўлганида организмлар, жумладан инсонлар ва уларнинг яшаш муҳитларига кам талофат етказган ҳолда кечувини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тизими.

ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРНИНГ ТАСНИФЛАНИШИ

Фавқулодда вазиятларни келиб чиқиши бўйича таснифланиши

Табий		Антропоген					Табий-техноген		Техноген-табий	
Эндоген	Экзоген	Саноат	Транспорт	Алоқа	Мудофа	Қишлоқ ва сув хўжалиги ва х.к.	Эндоген – антропоген	Экзоген – антропоген	Антропоген – эндоген	Антропоген – экзоген ва х.к.
<ul style="list-style-type: none"> ➢ Зилзила ➢ Вулкон отилиши ➢ Карст ➢ Гейзер отилиши ➢ Ер чўкиши ➢ Ер ости сувларининг ҳаракатлари ➢ ва х.к. 	<ul style="list-style-type: none"> ➢ Сув тошқини ➢ Сел кетиши ➢ Қор кўчиши ➢ Тош кулаши ➢ Эол жараён ➢ Эрозия жараён ➢ Гидрологик жараён ➢ Иқлим жараён ➢ ва х.к. 	<ul style="list-style-type: none"> ➢ Энергетика ➢ Кимё ➢ Ҳарбий ➢ Тоғ қон ➢ Металлургия ➢ Енгил ➢ Оғир ➢ Машина-созлик ➢ Озиқ овқат ➢ ва х.к. 	<ul style="list-style-type: none"> ➢ Темир йўл ➢ Ҳаво йўллари ➢ Автомобил йўллари ➢ Қувирлар ➢ Денгиз ➢ Дарё ➢ Метро ➢ Осма йўллар ➢ Тонеллар ➢ ва х.к. 	<ul style="list-style-type: none"> ➢ Уяли телефон ➢ Кабел ➢ Катта кучланиш ➢ Кичик кучланиш ➢ Осма ➢ Космик ➢ Радио ➢ Теле ➢ ва х.к. 	<ul style="list-style-type: none"> ➢ Ҳарбий ҳаво ➢ Космик ➢ Қуруқликда ҳарбий ➢ Ҳарбий денгиз ➢ Кимёвий химоя ➢ Ядро ➢ Нейтрон ➢ Биологик куроллар ➢ ва х.к. 	<ul style="list-style-type: none"> ➢ Чорвачилик ➢ Деҳқончилик ➢ Лалми деҳқончилик ➢ Суғорма деҳқончилик ➢ Иригация иншоотлари ➢ Коллектор ва дренаж ➢ Сув омборлари ➢ Гидроузеллар ➢ ва х.к. 	<ul style="list-style-type: none"> ➢ Зилзила-саноат ➢ Зилзила-транспорт ➢ Карст-транспорт ➢ Вулкон отилиши ➢ Қишлоқ ва сув хўжалиги ➢ Ер чўкиши-алоқа ➢ ва х.к. 	<ul style="list-style-type: none"> ➢ Сел кетиши-транспорт ➢ Қор кўчиши ➢ Сув мудофа ➢ Саноат – саноат ➢ Эрозия жараёни-алоқа ➢ Эол жараёни ➢ ва х.к. 	<ul style="list-style-type: none"> ➢ Саноат-ер қимирлаши ➢ Саноат-нефть отлиши ➢ Транспорт-карст ➢ Мудофа-зилзила ➢ Қ.х. ер чўкиши ➢ ва х.к. 	<ul style="list-style-type: none"> ➢ Транспорт-эрозия-жараёнлар ➢ Қ.х. - эол жараёнлар ➢ Саноат-сув тошқини ➢ мудофа-қор кўчиши ➢ Сув хўжалиги-иқлим ➢ ва х.к.

ФВдан МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИНГ АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ ва АХБОРОТЛАШ

Аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

- инсонпарварлик, инсон ҳаёти ва соғлиғининг устуворлиги;
- ошқоралик;
- ахборотнинг ўз вақтида берилиши ва ишончли бўлиши;
- фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш чораларининг олдиндан кўрилиши.

Аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги **ахборот**, агар қонунда бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, **ошқора бўлади**.

Давлат ҳокимият ва бошқарув органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек корхона, муассаса ва ташкилотлар раҳбарлари аҳолининг ва ҳудудларнинг фавқулодда вазиятлардан муҳофазаланиш ҳолати ҳамда уларнинг хавфсизлигини таъминлаш юзасидан кўрилган чоралар ҳақида, олдиндан башорат қилинаётган ва рўй берган фавқулодда вазиятлар тўғрисида, улардан аҳолини муҳофаза қилишнинг усул ва йўллари ҳақида оммавий ахборот воситалари ҳамда бошқа каналлар орқали аҳолини ўз вақтида ва ишончли тарзда хабардор этишлари шарт.

Мансабдор шахслар томонидан аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги ахборотнинг яширилиши, ўз вақтида тақдим этилмаслиги ёки била туриб ёлғон ахборот тақдим этилиши уларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарлигига сабаб бўлади.

5-модда.

ФВ ОҚИБАТЛАРИ (АҚШ)

Турли сабаблар натижасида ҳалокатли (ўлим билан) тугаган фавқулодда вазиятлар курсатгичлари:

- Йўл транспорти ҳодисасидан – ҳар 10 000 кишидан 3 нафари.
- Заҳарланишдан – ҳар 100 000 кишидан 3 нафари.
- Ёнғиндан қуйишдан – ҳар 100 000 кишидан 4 нафари.
- Электр токини уришидан – ҳар 100 000 кишидан 6 нафари.
- Яшиндан – ҳар 1 000 000 кишидан 5 нафари.
- Ишлаб чиқариш воситаларининг носозлигидан – ҳар 100 000 кишидан 5 нафари.
- Бошқа фавқулодда вазиятлардан – ҳар 100 000 кишидан 4 нафари.

Махсус ваколатли давлат бошқарув органи ЎЗР ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИГИ:

- фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, бундай вазиятларда одамларнинг ҳаётини асраб қолиш ва соғлиғини сақлаш, моддий ва маданий бойликларни муҳофаза қилиш, шунингдек фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш ва зарарини камайтириш юзасидан чоралар ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади;
- аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида махсус дастурлар ишлаб чиқиши ва илмий тадқиқотлар амалга оширилишини ташкил этади;
- ўз ваколати доирасида вазирлик ва идоралар, корхона, муассаса ва ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар қабул қилади;
- бошқарув органларининг, аҳолини ва ҳудудларни муҳофаза қилиш кучлари ва воситаларининг фавқулодда вазиятлар шароитида ҳаракат қилишга тайёр бўлишини ташкил этади;
- фавқулодда вазиятларни бартараф этиш кучлари ва воситалари бошқарувини амалга оширади, бошқарув пунктлари, хабар бериш ва алоқа тизимларини тузади;
- фавқулодда вазиятлар шароитида авария-қутқарув ишлари ва кечиктириб бўлмайдиган бошқа ишлар ўтказилишини ташкил этади;
- аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тадбирлари бажарилиши устидан давлат назоратини амалга оширади;
- ишлаб чиқариш ва ижтимоий объектлар бўйича лойиҳалар ва қарорлар юзасидан давлат экспертизаси ўтказилишида иштирок этади;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

МУАССАСАЛАРНИНГ ФВдан МУҲОФАЗА ҚИЛИШ СОҲАСИДАГИ МАЖБУРИЯТЛАРИ:

- ходимлар ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий объектларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича зарур чораларни режалаштиришлари, молиялашлари ва амалга оширишлари;
- хавф манбаи юқори бўлган объектлар хавфсизлиги тўғрисида белгиланган тартибда декларация тақдим этишлари;
- ходимларни фавқулодда вазиятлар шароитида қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмалари таркибида муҳофазаланиш усуллари ва ҳаракат қилишга ургатишлари;
- хабар бериш маҳаллий тизимларини яратишлари ва доимо шай ҳолатда сақлаб туришлари ҳамда фавқулодда вазиятлар таҳдиди борлиги ёки рўй берганлиги тўғрисида ходимларни уз вақтида хабардор қилишлари;
- фавқулодда вазиятлар шароитида объектлар иши ҳамда ходимлар ҳаёт фаолияти барқарор кечишини таъминлашлари;
- муҳандислик-ҳимоя иншоотлари, заруратга қараб, олдиндан барпо этилишини таъминлашлари ҳамда уларни доимо шай ҳолатда сақлаб туришлари;
- фавқулодда вазиятлар рўй бериши эҳтимолини назарда тутиб, белгиланган тартибда моддий ва молиявий ресурслар резервларини яратишлари;
- фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш кучлари ва воситалари яратилишини, тайёрликдан ўтказилишини ҳамда шай бўлиб туришини таъминлашлари;
- фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш режаларига мувофиқ уз тасарруфидаги объектларда авария-қутқарув ишлари ўтказилишини таъминлашлари;
- белгиланган тартибда ихтисослашган хизматлар ва тузилмаларни яратишлари, уларни шахсий таркиб, техника ва анжом билан тўлдиришлари;
- белгиланган тартибда эвакуацияга оид тадбирларни ўтказишлари ва одамларни жойлаштириш учун олдиндан базалар тайёрлаб қўйишлари;
- белгиланган тартибда фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида ахборотлар тақдим этишлари шарт.

Фуқароларнинг ФВдан муҳофаза қилиш соҳасидаги ҲУҚУҚЛАРИ

- фавқулодда вазият рўй берганда ҳаётлари, соғлиқлари ва шахсий мол-мулкларни муҳофазаланиши;
- умумий ва яқка муҳофазаланиш воситаларидан, маҳаллий ҳокимият органларининг, қорхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг фавқулодда вазиятларда аҳолини муҳофаза қилиш учун мўлжалланган бошқа мол-мулкдан фойдаланиш;
- мамлакат ҳудудининг муайян жойларида бўлганда улар дуч келиши мумкин бўлган хавф-хатар даражаси тўғрисида ҳамда зарур хавфсизлик чоралари ҳақида хабардор бўлиш;
- аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш масалалари юзасидан давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига мурожаат этиш;
- фавқулодда вазиятлар рўй берган зоналарда ишлаганлиги учун бепул тиббий хизмат, компенсациялар ва бошқа имтиёзлар олиш;
- фавқулодда вазиятларни бартараф этиш мобайнида мажбуриятларини бажариш чоғида соғлиғига етказилган зарар учун компенсациялар ҳамда имтиёзлар олиш;
- аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш мажбуриятларини бажариш чоғида ортирган касаллиги муносабати билан меҳнат қобилиятини йўқотганда, ногиронлиги меҳнатда майиб бўлиш оқибатида келиб чиққан ходимларга белгиланган тартибда пенсия олиш;
- боқувчисини аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш мажбуриятларини бажариш чоғида ортирган майиблик ёки касалликдан ҳалок бўлганлиги ёки вафот этганлиги муносабати билан йўқотганда, меҳнатда майиб бўлиш туфайли ҳалок бўлган шахснинг оила аъзолари учун белгиланган тартибда пенсия олиш.

Давлат ижтимоий сўғуртаси тартиби ва шартлари, компенсациялар ва имтиёзлар турлари ва миқдорлари қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Фуқароларнинг ФВдан муҳофаза қилиш соҳасидаги МАЖБУРИЯТЛАРИ

- хавфсизлик чораларига риоя этишлари, ишлаб чиқариш ва технология интизоми, экологик хавфсизлик талаблари фавқулодда вазиятлар рўй беришига олиб келиши мумкин бўлган тарзда бузилишига йўл қўймасликлари;
- муҳофазаланишнинг асосий усулларини, жабрланганларга бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш йўлларини ўрганишлари ҳамда ўз билим ва амалий кўникмаларини такомиллаштиришлари;
- фавқулодда вазиятлар рўй беришига олиб келиши мумкин бўлган авариялар, офатлар ва ҳалокатлар таҳдидидан дарак берувчи аломатлар борлиги тўғрисида тегишли органларга хабар беришлари;
- фавқулодда вазиятлар таҳдид солган ва бошланган шароитларда огоҳлантириш белгиларини, юриш-туриш қоидалари ва ҳаракат қилиш тартибини, умумий ва яқка муҳофазаланиш воситаларидан фойдаланиш усулларини билишлари;
- зарурат бўлганда авария-қўтқарув ишлари ва кечиктириб бўлмайдиган бошқа ишларни ўтказишда ёрдамлашишлари шарт.

ФВнинг пайдо бўлиш сабалари

ФВлар қуйидаги сабаблар натижасида пайдо булади:

- Оғирлик кучлари, ер қимирлаши ёки ҳароратлар фарқи таъсирида юзага келадиган ва тез суратларда содир бўладиган жараёнлар;
- Конструкция ёки иншоот материалларини занглиши ёки чириши натижасида уларнинг физик ва механик кўрсаткичларининг пасайишига олиб келадиган ташки табиий омиллар таъсири;
- Иншоотларнинг лойиҳа ишлаб чиқариш нуқсонлари (қидирув ва лойиҳа ишларидаги хатолар, конструкциялар сифатининг пастлиги, қуриш ва созлаш ишларида техника хавфсизлигига риоя қилмаслик ва ҳ.к.);
- Ишлаб чиқариш технологик жараёнларнинг иншоот материалларига таъсири (меъёридан ортиқ кучланишлар, юқори ҳарорат, титрашлар, китслота ва ишқорлар таъсири, газ-буғ, минерал мойлар ва эмулсияларнинг таъсири);
- Саноатда ишлаб чиқариш технологик жараёнларнинг ва иншоотларни эксплуатация қилиш қоидаларининг бузилиши (буғ қозонларининг, кимёвий моддаларнинг, кўмир конларида метан газининг портлаши ва ҳ.к.);
- Турли қуринишдаги ҳарбий ҳаракатлар ва ҳ.к.

ФВда аҳолини муҳофаза қилишнинг асосий вазифалари

- **Биринчиси**, аҳолига фавқулодда вазиятлар содир бўлиши мумкинлигини ва улар нақадар хавфли эканлигини тушунтириш;
- **Иккинчиси**, аҳолининг фуқаро муҳофазасига оид ҳуқуқлари ва вазифаларини тушунтириш;
- **Учинчиси**, аҳолига фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишни ўргатишга ҳисса қўшиш;
- **Тўртинчиси**, фуқаро муҳофазаси илғор тажрибасини кенг тарғиб қилиб қилиш
- **Биринчиси**, Ўзбекистон Республикаси фуқаро муҳофазаси талабларини тизимли тарғиб қилиш

ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРНИНГ КЕЧИШ ФАЗАЛАРИ

Келиб чиқиши ва туридан қатъий назар ФВнинг ривожда 4 та фазани ажратиш мумкин:

1. Уйғониш ёки пайдо бўлиш;
2. Ривожланиш ва авж олиш;
3. Кульминацион нуқтасига етиш;
4. Пасайиш ёки ўтиш.

Таълим муассасалари: ўқув хоналари, ўқув-ишлаб чиқариш устахоналари машғулотлар ўтказишда меҳнатни муҳофаза қилиш талаблари

2013 й. 1 март. "Таълим муассасаларининг ўқув хоналарида машғулотлар ўтказишда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида" 14-6-сонли

2013 й. 1 апрель "Таълим муассасаларининг ўқув ва ўқув-ишлаб чиқариш устахоналари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида" 20-6-сонли,

ЎзР Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг тегишли вазирликлар билан келишган ҳолдаги буйруғи

Ўқув хоналари	Ўқув-ишлаб чиқариш устахоналари
<i>Умумий қоидалар</i>	
Машғулотлар ўтказиладиган барча таълим муассасаларига тааллуқли.	Ўқув-ишлаб чиқариш устахоналарида амалиётларни ўтказиш билан шуғулланувчи барча таълим муассасаларига тааллуқли.
<p>Ишлаб чиқариш бино ва иншоотларини лойиҳалаш, қуриш ва қайта қуриш, техник жиҳозлаш ва қайта жиҳозлаш, технологик жараёнлар ҳамда ускуналардан фойдаланишда ҳисобга олиниши лозим.</p> <p>Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талаблари бажарилиши шарт эканлигини истисно этмайди.</p> <p>Таълим муассасаларида меҳнатни муҳофаза қилиш ва ишлаб чиқариш бўйича хавфсизликка оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя этилиши устидан давлат назорати бунга махсус ваколат берилган давлат органлари томонидан, жамоатчилик назорати эса меҳнат жамоалари ва касаба уюшмаси, таълим муассасалари томонидан сайланадиган меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакиллар томонидан амалга оширилади.</p>	

Таълим муассасаларида "Меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати"ни ташкил этиш

1. Меҳнатни муҳофаза қилиш борасидаги ишларни ташкил қилиш "Меҳнат муҳофазаси бўйича ишларни ташкил этиш тўғрисидаги намунавий низоми"га (рўйхат рақами 273, 1996 йил 14 август) мувофиқ амалга оширилади.

2. Қуйидаги асосий ҳужжатлар ишлаб чиқилади (тасдиқланади) ва юритилади:

- > меҳнат шартлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини яхшилаш, санитария-соғломлаштириш чора-тадбирлари бўйича бўлимни ўз ичига олган жамоавий шартнома;
- > тасдиқланган меҳнат шартларини баҳолаш ва иш ўринларини аттестация қилиш услубига мувофиқ иш ўринларини аттестация қилиш карталари;
- > меҳнатни муҳофаза қилиш хизматининг чораклик иш режалари;
- > ходимлар ва муҳандис-техник ходимларни ўқитиш, йўл-йўриқ бериш ва билимларини синовдан ўтказиш дастурлари;
- > меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича маъмурий-жамоатчилик назоратини юритиш журнали (уч босқичли назорат);
- > ходимларга ёнгина қарши йўл-йўриқ бериш ва ёнгина-техникавий минимум машғулотларини ўтказиш дастури;
- > ҳар бир касб ва иш турлари бўйича меҳнатни муҳофаза қилиш йўриқномалари.

3. «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунининг (1993 й.) 14-моддасига мувофиқ:

Ходимлар сони 50 нафар ва ундан ошадиган таълим муассасаларида махсус тайёргарликка эга шахслар орасидан меҳнатни муҳофаза қилиш хизматлари тузилади (лавозимлар жорий этилади), 50 ва ундан зиёд транспорт воситаларига эга бўлган таълим муассасаларида эса бундан ташқари йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматлари тузилади (лавозимлар жорий этилади).

Ходимлар сони ва транспорт воситалари миқдори камроқ таълим муассасаларида меҳнатни муҳофаза қилиш хизматининг вазифаларини бажариш раҳбарлардан бирининг зиммасига юкланади.

4. Меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ўз мақомига кўра таълим муассасасининг асосий хизматларига тенглаштирилади ва унинг раҳбарига бўйсунди ҳамда таълим муассасасининг фаолияти тугатилган тақдирда бекор қилинади.

5. Меҳнатни муҳофаза қилиш хизматининг мутахассислари лавозим йўриқномасига биноан уларнинг мажбуриятлари жумласига киритилмаган бошқа ишларни бажаришга жалб этилишлари мумкин эмас.

6. Таълим муассасаларида меҳнат фаолияти билан боғлиқ равишда содир бўлган бахтсиз ҳодисалар ва бошқа жараҳатланишларни текшириш ва ҳисобини юритиш ЎзР ВМнинг 1997 й. 6 июнь 286-сон қарори билан тасдиқланган "Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисидаги низоми"га мувофиқ амалга оширилиши лозим.

ТЕСТ САВОЛЛАРИ

Модул қисми	Қийинлик даражаси	Тест топшириғи	Тўғри жавоб	Муқобил жавоб	Муқобил жавоб	Муқобил жавоб
1	2	ЎзР Президентининг қайси асарида миллий хавфсизлик масаласига алоҳида тўхталиб ўтилган	Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари	Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак	Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ	Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари –олий кадрият
1	1	АЛ ва КХК раҳбар ходими ҳаёт фаолияти хавфсизлиги (ХФХ) бўйича ... малакасига эга бўлиши лозим	ХФХни жамоага етказиш, ташвиқот-тарғибот қилиш ва амалда қўллаш	ХФХнинг замонавий илмий-назарий асосларини билиш	ХФХнинг назарий-амалий ва амалий асосларини таъминлаш	ХФХнинг замонавий амалий асосларини билиш
1	2	Фаолият бу... .	Инсоннинг ташқи оламга фаол муносабат шакли, ўзини-ўзи мақсадга мувофиқ тарзда ўзгартириш усули, борлигининг муҳим хусусияти	Инсоннинг ички оламга фаол муносабат шакли, ўзини-ўзи мақсадга мувофиқ тарзда ўзгартириш усули, борлигининг муҳим хусусияти	Инсоннинг бутун борлиқга фаол муносабат шакли, ўзини-ўзи мақсадга мувофиқ тарзда ўзгартириш усули, борлигининг муҳим хусусияти	Инсоннинг табиатга фаол муносабат шакли, ўзини-ўзи мақсадга мувофиқ тарзда ўзгартириш усули, борлигининг муҳим хусусияти
1	2	Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ўқув курсининг мазмуни нима?	Курсни очиб берувчи қисмлар тизими	Курснинг мақсадини белгилаб берувчи қисмлар тизими	Курснинг вазифаларини белгилаб берувчи қисмлар мажмуаси	Курсни очиб берувчи қисмлар мажмуаси
1	2	Таълим муассаси ҳаёт	Объекти	Предмети	Ҳар иккаласи	Тўғри жавоб йўқ

		фаолияти хавфсизлиги таъминлаш объекти ёки предметими ?				
1	2	Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ўқув курсининг ўрганиш предметиға ... киради.	ҲФХ кўрсаткичлари, даражалари, оптималлаштириш йўллари	ҲФХ ҳолати, даражалари, оптималлаштириш йўллари	ҲФХ вазияти, даражалари, оптималлаштириш йўллари	ҲФХ жараёни, даражаси, оптималлаштириш йўллари
1	1	Меҳнат фаолияти хавфсизлиги ... ҳаёт фаолияти хавфсизлиги таркибига кирадими ёки йўқ?	Киради	Кирмайди	Қисман киради	Ҳамма жавоб нотўғри
1	2	ҲФХнинг хавфлилик нечта даражада баҳоланилади ?	4	5	3	2
1	2	Таълим муассасаларида юзага келадиган ва ҳаёт фаолияти хавфсизлигига таъсир этувчи кучлар ... омилларга киради	ички	ташқи	техноген	антропоген
2	2	ЎзРда фавқулодда вазиятларда ижтимоий муносабатларни тартибга солиш ... ихтисослаштирилган қонунга мувофиқ тартибга солинади ?	20.08.1999 й. қабул қилинган “Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонунга биноан	31.08.2000 й. Қабул қилинган “Радиациявий хавфсизлик тўғрисида”ги қонунга биноан	20.08.1999 й. қабул қилинган “Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида”ги қонунга биноан	20.08.1999 й. қабул қилинган “Фавқулодда вазиятлар тўғрисида”ги қонунга биноан
2	2	Таълим				

		муассасаларида фавкулдда вазиятлар ... кечиш фазалари асосида тадбирлар реажлаштирилади	4 та	3 та	5 та	2 та
2	2	Таълим муассасаларида ҲФХни таъминлаш учун ... поғонали назорат амалга оширилади.	3	2	5	4
3	2	ФВда аҳолини муҳофаза қилишнинг биринчи вазифаси... .	Аҳолига фавкулдда вазиятлар содир бўлиши мумкинлигини ва улар нақадар хавфли эканлигини тушунтириш	Аҳолининг фуқаро муҳофазасига оид ҳуқуқлари ва вазифаларини тушунтириш	Аҳолига фавкулдда вазиятларда ҳаракат қилишни ўргатишга ҳисса қўшиш;	Ўзбекистон Республикаси фуқаро муҳофазаси талабларини тизимли тарғиб қилиш
2	3	Таълим муассасаларининг ўқув хоналарида машғулотлар ўтказишда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида буйруқ қачон қабул қилинган	2013 йил 1 март	2013 йил 1 апрель	2010 йил 1 март	2010 йил 1 апрель
3	2	Таълим муассасаларида “Меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати”ни	1996 й. 14 август “Меҳнат муҳофазаси бўйича ишларни ташқил этиш	ЎзР ВМ 2000 йил 12 июлдаги 267-сон «Меҳнатни муҳофаза қилишга доир	ЎзР Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2013 й. 1	Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш

		ташкил этиш ... мувофиқ амалга оширилади	тўғрисидаги намунавий низом”	меъёрий хужжатларни қайта кўриб чиқиш ва ишлаб чиқиш тўғрисида»ги қарори	апрелдаги буйруғи	вазирининг 2013 й. 1 мартдаги буйруғи
3	3	Бино ва иншоотларга бўлган хавфсизлик талаблари қайси бир ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатга мувофиқ амалга оширилади?	ҚМҚ 2.09.04-98 «Ташкилотларнинг маъмурий ва маиший бинолари» талабларига мувофиқ бўлиши лозим	ҚМҚ II 89-80 «Саноат ташкилотларининг бош плани»	ГОСТ 12.1.005-88 «Иш ҳудудининг ҳавоси. Умумий санитария-гигиеник талаблари» га мувофиқ	2012 йил 29 август “Таълим муассасаларида ходимларнинг саломатлигини назорат қилиш” тартиби тўғрисида низом

Атама ва иборалар луғати (глоссарий)

1. Ҳаёт фаолият хавфсизлиги – инсон ва унинг саломатлиги учун хавфсиз меҳнат шароитини таъминлашга қаратилган техникавий санитар–гигиеник ва умумий тадбирлар мажмуидир.

2. Хавфсизлик техникаси-хавфли ишлаб чиқариш омилларнинг, яъни хавфсизлик қоидалари бузилгандаги бахтсиз ҳодисалар, шикастланишларни келтириб чиқарадиган омилларнинг инсонга таъсир этишини олдини оладиган ташкилий ва техникавий тадбирлар мажмуидир.

3. Ишлаб чиариш санитарияси-зарарли ишлаб чиариш омилларининг, яъни касалликлар келтириб чиарадиган омилларнинг ишчиларга таъсирини олдини оладиган ташкилий, гигиеник ва санитария-техникавий тадбирлар ва воситалар мажмуи.

4. Фаолият - инсоннинг жамиятда мавжуд бўлиши учун керакли шароит.

5. Менат - фаолиятнинг юқори шакли. Файласуфларнинг фикрича, инсоннинг таърифи –ҳаракатдаги, меҳнатдаги фаолиятидадир.

6. Фаолият жараёни модели - икки элементдан, яъни инсон ва муҳит орасидаги тўғри ва тесқари муносабатлардан тузилган деб тасаввур қилиш мумкин. Тесқари муносабатлар моддий дунёнинг қарама-қаршиликлар умумий қонунларидан келиб чиқади.

7. Хавфлар - яширин (потенциал) ва ҳақиқий бўлади. Яширин хавфлар амалга ошиши учун яъни шартлар бўлиши лозим. Бу шартлар сабаб деб аталади. Хавф ва сабабларни мисолларда (раамларда) кўриш мумкин:

8. Хавфсизлик - бу айрим эҳтимолларга асосланиб пайдо бўладиган хавф-хатарларни истисно этилган фаолият ҳолатидир. Хавфсизлик - бу мақсад, ФХ бўлса шу мақсадга эришиш учун қўлланиладиган воситалар, қўлланмалар, усуллардир.

9. ФХ - бу хавф-хатарларни ўрганиш ва инсонни ҳимоя қилишни ўрганадиган фандир.

10. Хавф-хатар - одам соғлигига бевосита ёки бошқа йўллар билан зарар етказадиган, яъни кўнгилсиз ҳодисалар, оқибат яратувчилар тушунилади. Хавфни ифодалайдиган белгилар сони тажрибанинг мақсадига қараб кўп ёки кам бўлиши мумкин.

11. Хавфлар таксономияси - бу мураккаб ҳодисаларнинг тушунчаларини, киши фаолиятига қаратилган нарсаларни туркумлаш (классификация) ва системалаш тўғрисидаги фандир.

12. Хавфлар рўйхати. Бу аниқ бир тартиблар бўйича қўйилган номлар, атамалар, рўйхати (ўзгарувчан ҳарорат, ҳаво тезлиги, босими, ёруғлик, ҳавони ионизациялаш, портлаш, гербецид, шовқин, тебраниш ёки титраш, ёнғин, зарарли моддалар, лазер нурлари, электр ёйи ва ҳ.к.).

13. Хавфларнинг квантификацияси - Бу ҳаётини фаолият хавфсизлигини таъминлашга қаратилган тадбирлар учун етарли даражада керак бўлган миқдорий, вақтинча фазовий ва бошқа хусусиятларни аниқлаб, амалга ошириш жараёнидир.

14. Сабаблар ва оқибатлар. Яширин хавфлар амалга ошишига олиб келадиган шароит - сабаб деб аталади. Сабаблар – жароҳатлар, юқумли касалликларни кенг тарқалишини (эпидемия), атроф - муҳитга зарар ва бошқа хил оқибатларни келтириб чиқаради.

15. Хавф-сабаб-оқибат учлиги - бу яширин хавфларни ва зарарларни амалга оширувчи тараққиётнинг мантиқий жараёнидир. Масалан: захар (хавфли) - дори тайёрловчининг хатоси (сабаб) - захарланиш (кўнгилсиз оқибатлар). электр токи - қисқа уланиш - куйиб олиш.

16. Яширин хавфлар аксиомаси (ўз-ўзидан маълум ҳақиқат) - Мутлоқ хавфсиз бўлган иш (фаолият) бўлиши мумкин эмас. Демак, ҳар қандай (фаолият) бўлмасин - унда яширин хавф бўлади. Бу аксиома ФХ да ғоят катта методологик аҳамиятга эга.

17. Таваккални классификациялаш. Таваккални баолашда уни фойда" билан солиштириш, яъни одам ҳаётини сақлаб қолиш учун пул бирлиги киргизилиши таклиф қилинади. Кўпчилик инсонлар бунга норозилик билдиришди, чунки одам ҳаётининг баҳоси йўқ, бунда пулвозлик қилиш ярамайди. Лекин одам ҳаётини сақлаб қолиш учун қанча маблағ сарф қилиш керак деганда, бундай баҳо керакдир. Хорижда ўтказилган текширишларга кўра одам ҳаёти АҚШ да 650 мингдан 7 млн долларгача баҳоланар экан.

18. Мухандислик йўли. Бу йўл статистикага, такрорланишларни ҳисоблашга, хавфсизликнинг тахминий тахлилига (анализ), "хавфлар дараҳти" қуришга асосланади.

19. Моделлаш йўли (андозалаш). Бу йўл одамга гуруҳга, касбга таъсир қилувчи омиллар моделини қуришга асосланган ва ҳ.к. Бу йўллар билан ҳисоблашга маълумотлар топиш анча қийин.

20. Эксперт (текшириш) йўли Маълумотларни экспертлардан (мутахассислардан) сўраб йиғишга асосланган.

21. Ижтимоий йўл. Бу йўл одамлардан сўраб, суриштириб аниқ хулоса чиқаришга асосланган. Бу йўллар таваккални ҳар хил нуқтайи назардан тасвирлайди, шунинг учун ҳамма йўллар бирга қўлланилади.

22. "Таваккал"нинг йўл қўйса бўладиган фикр юритиш усули. Хавфсизлик техникаси, мутлоқ хавфсизликни яратиб беришга асосланган. Аммо, бундай ҳолатни яратиб бериш ҳақиқатан мумкин эмас. Шунинг учун йўл қўйса бўладиган "Таваккал"нинг фикр юритиш усули қабул қилинади. "Таваккал" ўз ичига техник, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий нуқтайи назарларни олади ва айрим муросаларга боришга тўғри келади.

23. Таваккални бошқариш. Хавфсизлик даражасини кўтариш хавфсизликнинг асосий назарий ва амалий мақсадидир. Бунинг учун маблағни уч йўналишда харажат қилиш керак:

24. Хавфсизликнинг системаси. Бу хавфсизликнинг мураккаб масалаларини ҳал қилиш йўлларини тайёрлашда ва асослашда фойдаланиладиган методологик чоралар йиғиндисидир.

25. Таҳлил усуллари. Хавфсизликни кўнгилсиз воқеа рўй беришдан олдин (априор) ёки кейин (апостериор) таҳлил этиш мумкин. ҳар иккала ҳолда қўлланиладиган усул бевосита ёки аксинча бўлиши мумкин.

26. Менатни муҳофаза қилиш – бу тегишли қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида амал қилувчи, инсоннинг меҳнат жараёнидаги хавфсизлиги, сиҳат-саломатлиги ва иш қобилиятини сақлашни таъминлашга қаратилган тадбир. Ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, техникавий, санитария-гигиена ва даволаш профилактика тадбирлари ҳамда воситалари тизимидан иборат.

27. Маъмурий жавобгарлик – ходимга хайфсан бериш, ишдан четлаштириш, ўртача ойлик иш ҳақининг 20 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима солиш ва менат шартномасини бекор қилишдан иборат.

28. Моддий жавобгарлик – жарима тўлаш ва келтирилган моддий зарарни қоплашдан иборат.

29. Санитария назорати–саноат корхоналарда давлат санитария назоратини Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлигининг санитария-эпидемиология хизмати ходимлари олиб боради. Уларнинг асосий вазифаси ташқи муҳитни саноатнинг зарарли чиқиндилари билан ифлосланиши ва саноат корхоналарида ишловчилар касалланишининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширади.

30. Ёнғин хавфсизлиги – ёнғиннинг олдини олиш назорат органи Республика Ички Ишлар Вазирлигининг ёнғиндан муҳофаза қилиш Бош бошқармаси ва маҳаллий органлар зиммасига юклатилган

31. Энергетика назорати–давлат энергетика назорати Ўзбекистон Республикаси энергетика ва электрлаштириш вазирлигининг тегишли органлар томонидан амалга

оширилади. Унинг асосий вазифаси электростанцияларнинг, электр ва иссиқлик қурилмаларининг техник ҳолатини ва уларда хавфсиз хизмат кўрсатишни назорат қилиб туришдан иборат.

32. Бахтсиз ҳодисаларни таҳлил этиш ва шикастланишлар Ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисаларни текшириш ва шикастланиш ҳолларини текшириб чиқиб шу ҳақида намуна бўйича тўрт нусхада далолатнома тузилади. 4-1 намунадаги далолатномалар ташкилот архивида 45 йил сақланиши керак.

33. Шикастланиш деб: корхона ҳудудида бўлган даврда киши танасининг бирор аъзоси тасодифан шикастланиши натижасида саломатлигига зарар етишига айтилади.

34. Меҳнат гигиенаси тиббий соҳа ҳисобланиб, иш қобилиятини юқори даражада таъминлаш, касб касалликлари ва инсоннинг меҳнат фаолияти билан боғлиқ бўлган салбий оқибатларни олдини олишнинг илмий ва амалий чораларини ишлаб чиқиш билан шуғулланади.

35. Меҳнатни илмий ташкил этишнинг асосий йўналишлари гигиеник, физиологик, психологик ва эстетик.

36. Меҳнат физиологияси-иш пайтида инсон танасида юз берадиган функционал ўзгаришларни текширади ва иш қобилиятини сақлаш ва ошириш, меҳнат фаолияти ва жараёнининг ишчилар соғлигига салбий таъсирининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқади.

37. Меҳнат - ижтимоий тушунчадир. Биологик жихатдан меҳнатнинг энг муҳим фаолияти тана ҳисобланади.

38. Жисмоний меҳнат. Жисмоний меҳнат (иш) деганда таянч-ҳаракат аппарати ва унинг ишлаши учун зарур тизимлар ҳаракатини таъминлайдиган муҳим қувват сарфлари билан боғлиқ ишлаб чиқариш фаолиятининг тури тушунилади. Бунда диққат, хотира каби олий руҳий функциялар ва умуман интеллектуал ва эмотсионал соҳалар унчалик зўриқмайди. Жисмоний иш динамик ва статик бўлиши мумкин.

39. Динамик иш-юқни юқорига, пастга ёки уфқий кўтаришдир. Физик нуқтаи назардан иш миқдори фазода ўрни алмаштирадиган жисм массасининг тик ёки уфқий масофага кўпайтмаси билан ўлчанади.

40. Статик иш—одамнинг фазода тана, қўл ва оёқларини ўзгартирмаган ҳолда куч сарфлаб ишлашидир.

41. Ақлий меҳнат – инсоннинг ишлаб чиқариш жараёнини бошқариш ва ижодий фаолият билан банд бўлишидир. Унинг асосини, маълумотини идрок қилиш, қайта ишлаш ва қарорлар қабул қилишни ташкил этади. Маълумотни қабул қилиш асосан кўриш ва эшитиш органлари томонидан амалга оширилади.

42. Толиқиш – иш қобилиятининг пасайишидир. У анча оғир кўп иш талаб қиладиган ёки давомли меҳнатни бажариш мақсадида пайдо бўладиган ва меҳнат натижаларининг миқдор ва сифат жиҳатидан ёмонлашуви билан ифодаланади

43. Микроиқлим ва унинг гигиеник нормалари Иш зонасидаги микроиқлим мезонлари учун гигиеник нормативлар ГОСТ12.1.005-76 да кўрсатилган.

44. Ишлаб чиқариш чанги Саноатда, транспортда, қишлоқ хўжалигида кўп ишлар ва жараёнлар чанг ҳосил бўлиши, ажралиши билан амалга оширилади. ҳар хил технологик жараёнларни бажаришда юзага келадиган ва ҳавода муаллақ ҳолатда бўладиган қаттиқ моддаларга айтилади.

45. Кимёвий бирикмалар чанги заҳарли ҳисобланади. Масалан, нафтен кислоталари, amino-нитро бирикмалар чанги, олти ва уч валентли хром бирикмаси, шунингдек этиленмеркурхлорид, уран, бериллий, меркуран, ваннадий бирикмалари-аэрозоллари организмга ўтгач, корин, ичак йўлида ва ўпкада касалланиш-заҳарланишларни ҳосил қилади.

46. Чанглар асосан табиий ва сунъий чангларга бўлинади.

47. Табиий чанглар – инсон таъсирисиз ҳосил бўлади. Бундай чангларга шамол ва бўронлар таъсирида кум ва тувроқнинг эрозияланган қатламларининг кўчиши, ўсимлик ва ҳайвонот оламида, вулконлар отилиши, бошқа ҳолларда пайдо бўладиган чангларни киритиш мумкин.

48. Сунъий чанглар - Саноат корхоналари ва қурилишларда инсоннинг бевосита таъсири натижасида ҳосил бўлади.

49. Токсикология фани ишлаб чиқариш заҳарларининг организмга таъсир қилиш белгиларини ўрганади, уларнинг заҳарлилик ва хавфлилик даражасини белгилайди, гигиеник меъёрлар ва тавсиялар ишлаб чиқади.

50. Сурункали заҳарланишлар, организмга оз-оз миқдордаги заҳарларнинг узок вақт аста-секин йиғилиши натижасида юзага келади. Организмда заҳарнинг ўзи йиғилиши ёки ўзгаришлар келтириб чиқариши мумкин

51. Зарарли ёки заҳарли моддалар Одам танасига ўтиб, унинг тўқималарига кимёвий, физик-кимёвий таъсир қиладиган, меҳнат унумдорлигининг пасайишига олиб келадиган моддалардир.

52. Кучли заҳарланиш кўпроқ миқдордаги зарарли моддаларни тўсатдан танага ўтиши билан содир бўлади. Шунингдек, зарарли моддаларни танага оз-оздан ўтиши ва йиғилиши натижасида касб касалликлари келиб чиади.

53. Асаб тизими заҳарларига бензин, керосин, ёғ спиртлари, карбон водородлар, метанол, анилин, водород сулфиди, диоксан, аммиак, никотин, кофеин, тетраетил кўрғошин, фосфорли органик бирикмалар ва бошқалар мисол бўлади. Улар асосан марказий асаб тизимини шикастлайди.

54. Жигар заҳарларига таркибида хлор, бром, фтор, йод бўлган бирикмалар мисол бўлади. Улар жигар тўқимаси фаолиятининг бузилишига, жигарнинг қаттиқ яллиғланишига сабаб бўлади.

55. Қон заҳарларига карбонат ангидриди, амина-нитро бирикмаларнинг ароматик қатори, фенил гидразин, мишяк, бензол, толуол, ксилол ва бошқалар мисол бўлади. Улар қон таркибининг бузилишига, карбокси ва метгемоглабин (Соб, Мтб) ҳосил бўлишига, тўқимада кислороднинг камайиб кетишига, ҳатто ўлимга ҳам олиб келади.

56. Фермент заҳарларига кирувчи симоб, мишяк, тсиан бирикмалари фосфорли ва органик бирикмалар (тиофос, метафос) танани биологик катализаторлари ҳисобланадиган ферментларнинг (Сн) гуруҳлари билан боғланиб, улар фаолиятининг бузилишига, яъни заҳарланишига олиб келади.

57. Қитиқловчи, куйдирувчи заҳарлар юқори ва қуйи нафас олиш йўлларини шикастлаб, уларни касалланишига олиб келади. Бундай заҳарларга хлор, аммиак, азот оксиди, фенол, кислоталар, ишқорлар мисол бўлади.

58. Аллергик заҳарлар. Никел, бериллий бирикмалари, нитрохлорбензол, пиридин бирикмалари, урсол ва бошқалар тананинг реакцион қобилиятини ўзгартиради, терининг яллиғланишига, нафас олиш йўлларининг торайишига ва бошқа касалликларга олиб келади.

59. Концероген заҳарлар тошкўмир смоласи, амина ва изобирикмалар, хлорбензидин, курум, қоракуя ва бошқалар танада шиш, рак касаллигини келтириб чиқаради.

60. Мутаген заҳарларга этиленамин, этилен оксиди, хлорли карбон водородлар, кўрғошин ва симоб бирикмалари мисол бўлиб, улар одам ва ҳайвонлар жинсий органига қаттиқ таъсир этади.

61. Эмбриотроп заҳарлар (толитамид ва бошқалар) одам ва ҳайвонларнинг туғилишига салбий таъсир этади. Наслни йўқ қилади.

62. Касб касалликлари-ёмон меҳнат шароитлари ва касбга алоқадор зарарларнинг организмга таъсири натижасида пайдо бўладиган касалликлардир.

63. Ўткир касб касаллиги – зарарли ишлаб чиқариш омилларининг бир марталик, кўп деганда бир иш сменасида таъсир кўрсатишидан келиб чиқадиган хасталик.

64. Сурункали касб касаллиги зарарли ишлаб чиқариш омилларининг кўп марта ва узоқ вақт таъсир этишидан келиб чиқадиган сурункали касалликдир.

65. Махсус текширув, бу даволаш – профилактика муассасининг врачлари, корхона, муассаса ва касаба уюшмаси ташкилоти иштирокидаги санэпидстанция врачлари ўтказадиган касб касаллигининг пайдо бўлиш сабаблари ва шарт - шароитларини текшириш.

66. Гурухий касб касаллиги - бир вақтнинг ўзида 2 ва бундан ортиқ киши оғриган зарарланган хол тушунилади.

67. Ёруғлик инсон ҳаёт фаолияти давомида жуда муҳим рол ўйнайди. Кўриш инсон учун асосий маълумот манбаи ҳисобланади. Умумий олинадиган маълумотнинг тахминан 90% кўз орқали олинади.

68. Табиий ёруғлик ёритишда қуёш таратаётган нурдан тўғридан-тўғри ёки қуёш нурининг таъсирида ёруғлик таратаётган осмоннинг диффузия ёруғлигидан фойдаланилади.

69. Сунъий ёритиш - қуёш ёрдамида ёритишнинг иложи бўлмаган саноат корхоналари хоналарини ва қуёш ботгандан кейин умуман саноат корхоналарини электр нурлари ёрдамида ёритиш йўли.

70. Электромагнит майдонининг тавсифи инсон организмига таъсири электр ва магнит майдонларининг кучланиши, энергия оқимининг интенсивлиги тебраниш частотаси, нурланишнинг тананинг маълум юзасида тўпланиши ва инсон организмнинг шахсий хусусиятларига боғлиқ бўлади.

71. Электр уриши (ёки ток уриши деб ҳам юритилади) тўрт даражага бўлиб қаралади: 1-даражада мускуллар кескин қисқариши натижасида одам ток таъсиридан чиқиб кетади ва ҳушини йўқотмайди. 2-даражада мускуллар кескин қисқариши натижасида одам ҳушини йўқотади, аммо юрак ва нафас олиш фаолияти ишлаб туради. 3-даражада ҳушини йўқотиб, нафас олиш тизими ёки юрак уриши тўхтаб олади. 4-даражада клиник ўлим ҳолати-бунда инсонда ҳеч қандай ҳаёт аломатлари кўринмай қолади.

72. Клиник ўлим ҳолати бу ҳаёт билан ўлим орасидаги маълум оралик бўлиб, маълум вақтгача инсон ички имкониятлари ҳисобига яшаб туради. Бу вақтда унда ҳаёт Клиник ўлим ҳолати 7 дақиқача давом этади. ҳеч қандай ёрдам бўлмаган тақдирда энг олдин бош мия қобиғидаги хужайралар парчаланади ва клиник ўлим ҳолати биологик ўлим олатига ўтади.

73. Биологик ўлим-қайтариб бўлмайдиган жараён бўлиб, организмдаги биологик жараёнлар бутунлай тўхташи билан характерланади, шунингдек организмдаги ҳосил структуралари парчаланади. Бу клиник ўлим вақти тугагандан кейин рўй беради.

74. Ёниш деб, ёнувчи модда билан ҳаводаги кислороднинг ўзаро таъсири натижасида жуда тез кечувчи ва кўп миқдорда иссиқлик ажралиб чиқувчи кимёвий реакцияга айтилади.

75. Чакнаш. Агар секин-аста қиздириладиган ёнувчи суюқликка вақти-вақти билан ташқаридан аланга таъсир қилдирсак, маълум бир ҳароратга етганда, ундан ажралиб чиқаётган газсимон маҳсулот чакнайди ва шу заотиёқ ўчиб қолади. Суюқликнинг ана шу пайтдаги ҳарорати чакнаш ҳарорати дейилади. Чакнаган газларнинг тез ўчиб қолишининг сабаби, бу ҳароратда суюқликдан ажралиб чиқаётган газлар алангани давом эттириш учун етарли эмаслигидир.

76. Алангаланиш. Суюқ, ёнувчи моддаларни қиздириш чакнаш ҳароратидан юқорида ҳам давом эттирилса, унинг буғланиши жадаллашади ва шундай бир вақт келадики, унга аланга яқинлаштирилса чиқаётган буғлар чакнайди ва ёнишда давом этади. Суюқликнинг шу ҳолатдаги ҳарорати алангаланиш ҳарорати деб аталади.

77. Ўз-ўзидан алангаланиш. Агар ёнувчи суюқликни алангаланиш ҳароратидан юқори бўлган ҳолатда ҳам қиздириш давом этирилса-ю, лекин очиқ аланга яқинлаштирилмаса, маълум бир вақтда ажралиб чиқаётган буғлар ўзидан-ўзи алангаланиб кетади. Ёнувчи суюқликнинг ана шу ҳолатдаги ҳарорати ўз-ўзидан алангаланиш ҳарорати дейилади.

78. Ўз-ўзидан ёниб кетиш. Айрим ёнувчи қаттиқ моддаларни сақлаш нотўғри ташкил этилган ҳолларда ўз-ўзидан ёниб кетиши мумкин.